

УЛУФ ГУМАНИСТ

Абу Муҳаммад Илёс ибни Юсуф Низомий Ганжавий (1141—1209) форсий тилда ижод этган улуғ озарбайжон шоиридир. Аммо унинг ижоди фақат озарбайжон халқининггина эмас, балки Ўрта ва Яқин Шарқ халқларининг мероси бўлиб қолди, башарият бадиий фикр хазинасига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилди.

Низомий умрининг деярли барча қисмини ўз она шаҳри — Ганжада ўтказди, у шоҳлар саройига боришдан кўра ўз юртида фақирона умр кечиришни афзал кўрди.

Низомийнинг газаллар, рубоийлар, қитъалар ва бошқа лирик шеърларидан намуналар ва беш достондан иборат «Хамса»си бизгача етиб келган. Унинг адабий меросида асосий бадиий бойликни ташкил қилган ва шоирномига безаволлик келтирган «Хамса» ахлоқий-фалсафий достон «Махзанул-асор» («Сирлар хазинаси») романтик поэмалар «Хусрав ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» «Ҳафт пайкар» («Етти гўзал») ва шунингдек Низомий ўз ҳаётий жасоратининг якуни ҳисоб этган тарихий достони «Искандарнома» асарларидан иборат. Ушбу тўпламга улуғ файласуф шоирнинг «Ҳафт пайкар» достонидан парчалар киритилди. Бу асарни «Етти гўзал» деб ҳам, «Етти сайёра» деб ҳам таржима қилиш мумкин. Унда шоир Сосонийлар шохи Баҳром Гўр ҳақидағи ривоятларни асос қилиб олган бўлса-да, Баҳромнинг мамлакат идорасини золим ва худбин вазир қўлига топшириб қўйиб, пандегани ва охири уни фош этиб, ўзи халқ ва мамлакат манфаатини ўйладиган адолатпарвар шоҳга айланиши гоясини илгари суради.

Низомий бошқа достонларида бўлганидек «Ҳафт пайкар»да ҳам инсонни мадҳ этади, унинг салбий томонларини ошкора кўрсатади. Аммо бу гояларини шоир ялангоч панду-насиҳат йўли билан эмас, ажойиб лиbosларга ўраб, бадиий воситалар билан ифода этади, ибратли ҳикоят ва тамсилотлар келтиради, эсда қоладиган мажозу ташбиҳлар яратади.

Бу жиҳатдан айниқса «Махзанул асор» асари алоҳида ажralиб туради. Унда шоир ўзининг кўпгина ахлоқий ва сиёсий қарашларини, ўз эстетик идеалини ибратли ва латиф ҳикоятларида ифода этади.

Низомий «Хамса»си Шарқда жуда яхши қабул қилинди. Унга улуғ ҳинд шоири Амир Хусрав Деҳлавий

жавоб ёзгач, у яна ҳам машҳур бўлиб кетди. Шундан сўнг «Хамса»га назиралар ёзиш, унга эргашиб шу мавзуда достонлар яратиш анъанага айланди. Эндиликда бутун Шарқ мамлакатларида ёзилган «Хамса»ларнинг саноғини аниқлаш қийин. Олимларга маълум бўлганларигина форс тилида 42 та, ўзбек тилида 2 та, турк тилида 2 та. Бундан ташқари озарбайжон, туркман, курд ва бошқа тилларда ҳам мавжуд.

Булар орасида бадиий жиҳатдан юксак ва оригиналликка эришилганлари Амир Хусрав Деҳлавий, Алишер Навоий «Хамса»лари, Абдураҳмон Жомий «Ҳафт авранг» ига кирган достонлардир.

Низомий лирикаси бизгача тўлиқ етиб келмаган. Аммо ундан қолган озгина газаллар, қитъя ва рубоийлар ҳам улуғ достоннависнинг кичик шаклдаги лирик шеъриятда ҳам катта маҳорат эгаси бўлганлигидан далолат беради. Унинг лирик шеърлари ҳам оддий инсонга, унинг руҳий кечинмаларига, инсон дилининг ишқий саргузаштларига бағишлиланган.

Низомий асарларида форс-тоҷик классиклари ижодида ривож топиб келаётган гуманизм ғояси янада конкретлашгани, яна юқорироқ босқичга кўтарилганлигини кўрамиз, унинг асарларига сўлмас тароват, жўшқин ва абадий ҳаёт бахш этиб турган қудрат ҳам мана шунда.

Шоислом Шомуҳамедов,

филология фанлари доктори,
Фирдавсий мукофоти лауреати.

ҚАСИДАЛАРДАН



Кўнғироқ жунбишга келмиш, қўзғалибdir корвон,
Кўчни боғла мулки тандан энди жон қасри томон.

Нола бирла йўлга тушгил сорбондир раҳнамо,
Корвоннинг ҳалқасинда қўнғироқ муnis ҳамон.

Ҳалқа ичра кирганинг чоқ, чорасиздир қўл-оёқ,
Қўнғироқдек нола бирлан йўлга тушгил беомон.

Кўнглида бор изтироби, нола айлар қўнғироқ,
Үртада бор қисқа қўллик, ҳалқа ҳам айлар фигон.

Кўнғироқ, маъзур тутинг, дер, эзди дилни дарди дил,
Ҳалқа ундан ҳам хароб, бедилни айлар имтиҳон.

Давлат изланг мазҳаб ичра, молу дунёдан эмас,
Бермагай Юсуф бўйин гул, кўйлак ўлмас аргувон.

Касб этиб ҳикмат йўлидин борки, ҳикмат чашмаси,
Айби борнинг айбидин ҳам ҳикмат ол, бўл комрон.

Гар қайиқ ичра ўтирдинг, тунми, кундуз тикка тур,
Тикка бўлса елкани, ҳайдар ани олга бўрон.

Одам ичин билмагайсан, девми ул ёқим малак,
Эртанинг бўл суврати, бул кунки, бор ундан нишон.

Ҳиндуларку қораликда бир насабдурлар ва ле,
Ҳинду бор, ўғри-ю олчоқ, ҳиндулар бор посбон.

Иўқ безакдан фойда асло, тухфа қил, зар тухфа қил,
То тамом умрингда зардек кекса бўл ҳам навқирон.

Дема кўп султону султон, бандароқдир сендан ул,
Банда бўлғил унгаким, ул соҳиби султоннишон.

Эркаларкан соҳибинг, сен унга майли банди бўл,
Бандаларни эт навозиш қайдада гар сен ҳукмрон.

Кимки, қўл остингдадир, адл айла анга оқибат.
Офтоб топгунг лаҳадда, ҳам қиёмат соябон.

Этма золимлик кишига, адл ила ром эт уни,
Яхшилик қўлданки келмас, зулм ҳам қилма чунон.

Кимки, золимдир киёмат душмани бўлгай диёр,
Кимки, жоҳилдир унинг жойи чуқур бе норвон.

Ўзга нонин тортиб олма, ичма ўзгалар сувин,
Оқил одам бир фаришта, золим эрса беимон.

Солди не ишлар отанг Одам бошига битта дон,
Ҳар қадам тупроғи бўлма топгунингча бурда нон.

Ичма ўзгалар сувин ҳаттоки шарбат бўлса ҳам,
Олма ўзга нонини гар барчаси тасбеҳга дон.

Шери ҳиммат бўл ҳамиша қўл кучинг бирла яша,
Овга чиқсанг, бўлишар чўл ваҳшилари меҳмон.

Ўз заифлигингни кўргил, қудратингдан урма лоф,
Эй амир, сен бандасенку, эй табиб, сен нотавон.

Кўзларингдан чиқса ёш, асло бекитма сен ани,
Ипга тизмак лозим асли кўз ҳам этса дурфишон.

Пардасин очиб, қараб кўргил заминда не ўюн?
Не замон арбоблари уйқуда ётмиш кўп замон.

То бу тупроқ узра сувсизликка кўрсатдим чидам,
Кўз суви бирла ювиндим, шарбатим — оби забон.

Тошдан ажраб чиқмагунча равнақин топмас кумуш,
Лаъл ҳам ўз қийматин топмас макони бўлса кон.

Кирдинг ўттизга, Низомий, энди тинчроқ жой топ,
Мен насиҳат қилдим энди, хоҳи хўп де, хоҳи тон.

* * *

Бу гулшанда қариликдин эгилмишdir камарим,
Бақо шоҳи атосидин недур топган самарим.

Дарахтимдин на соя бор, на мева бор биравга,
Хаводислар бўронидан тўкилди баргу барим.

Фалак қаддин эгиб менга лаҳад кавлашга машғул,
Сақол-сочимда оқ кофур берар шундан хабарим.

Даҳанда икки тизим эрди оппоқ тишлирим дур,
Фалак зулми била бир-бир тўкилмиш бу гуҳарим.

Тўкилди гавҳарим юлдузсимон умрим кўкидин,
Қизоргач машриқи умрим, чиқиб юлдуз саҳарим.

Умр охирга етди энди мен бойўғли мисол,
Харобазорга йўл олдим, тузатиб болу парим.

Эгилди қоматим, бош ерга мойил бўлди бул он,
Мени ерга эгар бул чоқда ор-номус самарим.

Эгилмиш қадду қоматим, этакка тегмасин деб қон,
Кўзимдан тирқиратиб хун юборган чоқ жигарим.

Тушиб бошимга опюқ қор, босар оғирлиги бирлан,
Вужудим томи тушмасму босиб, шундан хатарим.

Агар қор бўлса чўққимда, эриб сув ҳам келар ундан,
Кўзимдин сув чакиллайди, ёш тўкишга чеварим.

Заифлигим шу қадар, соядек жим сургаламан,
Кишилар топа олмаслар изимдан ҳам асарим.

Мени ҳеч ким этолмас ёд заифлигим туфайли,
Бирар кимнинг дилига ҳам менинг тушмас гузарим.

Заифлик қоматимни айламиш дуто гўёким,
Ажал тийрин ваҳимаси бирлан бўлмиш сипарим.

Фарогат авжи томон мен нечук парвоз этайин,
Заифлик жарлигидин ким синикдир болу парим.

Жаҳон бўстонида ҳарён умидим тарқалиб кетди,
Бўрону дўл уриб шоҳидин ажралди шажарим.

Бўшалгач мевадан шох қадди тикланган эди, аммо
Менинг қаддим эгилмиш сочилиб битгач самарим.

Эгилди бошим аввал бор, елкамда на қиласай,
Ажал шамширидандир барча қўрқув ҳам ҳазарим.

Заиф кўзлар илиқ ёши билан юзларни ювгайлар,
Сафарга кетди дўстларнинг кўпи, яқин сафарим.

Заифликдан муқим уй ичра қолдим, ҳеч қаён чиқмай,
Үйим остонасидан ҳатламак мушкул, жигарим,

Агар ою-қуёш нур сочса ҳам вароқ бети узра
Баёз хатин ўқий олмас, қаронғудир назарим.

Умр ўтди гуноҳим кун ба кун ортиб борар ҳаргиз,
Юрармен элда бошим ҳам, әгик қомат ва сарим.

Танам ҳеч ларзадан тинмас, қўлим ҳам титрамакдин ҳеч,
Нечук шодлик майи бўлсин қадаҳларда ичарим.

Ҳаловат топмадим охир ҳаётдан кўп чекиб ғам,
Бўлар оғзимда заққум луқма ион ёки шакарим.

Бу гулшан обу ҳавосига ҳам энди йўқ ишим,
Агар Исо нафасидек эса ҳам, у зарарим.

Қўлимдан кетди ёшлик рангу бўйи ила бул кун,
Ўғирлаб кетди бу нақдинани кўк ишвагарим.

Ҳунар изламагил мендан бу кун топгунг фақат айб,
Айбдан баттар эрур бул куни бори ҳунарим.



ҒАЗАЛЛАР



Мен ошиқмен гўзал юзга, юзи ойга солур ғавғо,
Не юздир? Юзлари дилбар. Не дилбар? Дилбари зебо.

Агарда кўрмасам юзин бўлур икки кўзим чашма,
Не чашма? Чашмаи дур ул. Не дурдир? Марварид
аъло.

Хиром этса агар боғда, бўлур ҳар ёнда минг ғул-ғул,
Не ғулғул? Ғулғули булбул. Не булбул? Булбули шайдо.

Хаёлим бор дилимда, ғам ила ҳамдам хаёлдир ул.
Не ҳамдам? Ҳамдами маҳрам. Не маҳрам? Маҳрами
жоно.

Нигоримда гўзаллик кўп, яна зулфида хушбўйлик.
Не хушбўй? Хушбўйи анбар. Не анбар? Анбари соро.

Низомий, дилбар ишқинда керакдир сенга бир шарбат.
Не шарбат? Шарбати қотил. Не қотил? Қотили бурро.

* * *

Хароб ҳолим этайму сенга ошкор?
Қаро кўзга насиҳат айла, дилдор.

Нечун ошуфтасен, деб этма таъна,
Ўзинг кўр ой юзинг кўзгуда такрор.

Мен оҳим йўлини сендин аюрдим,
Фироқ йўлини ҳам тарк айла зинҳор.

Агар тутсам паноҳ сени, дема айб,
Этурмен бошқани пушти паноҳ, ёр.

Бу нолон дилни этдинг сен Юсуфдек
Занаҳ ҷоҳида зиндану гирифтор.

Қурир иофа каби қоним танамда,
Гажак сочинг таратгач мушки тотор.

Хижолатда тилим лолу мажолсиз,
Қалам бирла битай узримни бисёр.

Низомий бўлди банданг, шафқат айла,
Вафо кўрсат, жафо қилма, вафодор.

* * *

Маломат қилма ошиқларни асло,
Маломат қилмагай, ким бўлса доно.

Унинг ишқдин бўлак ҳеч кори йўқдир,
Агар бўлса ҳам ул савдо ва сафро.

Этак ҳўл бўлгач ишқ они ясатмас,
Нишони ишқ узоқдин кўзга пайдо.

Муқаллид жой ололмас бу заминдан,
Мақомига эга ошиқи шайдо.

Лутф жомидин ичгил ңеча қултум,
Чапак чал, биз ила маъшуки барно.

Аё ошиқ ўзингдин четга чиққил,
Муҳаббат ичра дарди сар муҳайё.

Бу йўлда номуродлик манзили кўп,
Бу йўлда заҳми дил доим ҳувайдо.

Қўлингдин келганича порсо бўл,
Низомий, порсолик дилга рўшно.

* * *

Мени шундай дединг, шундай кун, эй дил,
Жигар пурдарду дил лим-лим хун, эй дил.

Жудо қил мендин ошиқлиқ ҳадисин,
Ўзинг Лайлло, мени бил Мажнун, эй дил.

Туну кун айлабон фарёду фарёд,
Сенинг дастингдан ўлдим учқун, эй дил.

Қилурмишсан сен ишқ аҳлин навозиш,
Агар мен учрасам қил берун, эй дил.

Демиашсан: «гар икқилсанг қўл тутармен»,
Икқилганлар аро мен маҳзун, эй дил.

Низомий сенга шеърин айтди маҳфий,
Сени олмасми қўлга афсун, эй дил.

* * *

Эй дийда, сендан бизга назар йўқ,
Эй ақл, сендан бошда самар йўқ.

Ўшал санам деб, девона бўлдик,
Аммо нетайлик, сенда хабар йўқ,

Кўз ва ақлдан несўз дегаймиз,
Бул кетди қўлдан, ундан асар йўқ.

Не йўлки, бўлса, қўлдан берибмиз,
Жон бериш қолди, роҳи дигар йўқ.

Бунга ҳам рози бўлмаса агар,
Чўзмасмиз энди, агар-магар йўқ.

Чунки қиёмат куни ҳисобда,
Бу нақддан ўзга нақдина зар йўқ.

Иўқлиққа кетмак бўлса мусаллам,
Бу мулк эгаси, ҳуру башар йўқ.

Жондин дилингни узгил, Низомий,
Бу сукут жойи, фойда-зарар йўқ.

* * *

Гар бир назаринг бу хаста дил танига тушди,
Лутфинг-ла лабинг шириния сўзчанига тушди.

Зулфинг гажагин пойида дил урди тапо-тап,
Гўё ўралиб ҳалқаси кишанига тушди.

**Ҳасрат ила бу йўлда ёқам чок этдим,
То кўз яна ул кўйлаги гулшанига тушди.**

**Ғам бирла алам кунжиди додим етажакму,
Е қиссаларим яхши-ёмон фанига тушди.**

**Бир дам ечибон ташла никобингни юзингдан,
Дей: «оташи хун гул била суманига тушди.**

**Чехранг таратиб ҳар тарафа нуре зиёйинг,
Тушди Низомийга-ю суханига тушди.**

* * *

**Сабо ёр бўйини келтирса манга,
Дегил, Исонафас жон берди танга.**

**Яқубнинг дийдаси очилганидек,
Кўзин суртгач юсуфий пираҳанга.**

**Гулу райхонлари бўлди муаттар,
Унинг зулфи бўйи етгач чаманга.**

**Гаҳи ғунча чапонин чок этарди.
Гаҳи ошуб етарди ёсуманга.**

**Муанбар зулфидин жонимга роҳат,
Саҳар чоғ етса гар мушки хўтанга.**

**Ўлик юз йилда чин дўстга етушса,
Ажабмаским, магар кирса суханга.**

**Низомий айласа шукри висолин,
Илиқ сўз тарқалур дунё — чаманга.**

* * *

Шод яша, бу замон ғамга арзимас,
Қисилмагил, кўпу камга арзимас.

Арпа донича ҳам турмайди ўзи,
Ситами кўз ёшу намга арзимас.

Кундуз дилжўши-ю рўшинолиги,
Субҳидам салқин шабнамга арзимас.

Дедингки, бу кам-кам тузалиб қолар,
Бу сўз тўғримас, бир дамга арзимас.

* * *

Нигорим ишқида ҳар дамда қийноқда куяр жоним,
Бирар осуда дам йўқ, оташ ичра қолди ҳар оним.

Ғаминг пойимга ўт ташлар, туташгай бошга ул охир,
Қўлим олмас киши бир дам, куяр то пою поёним.

Мени бўхтон этар мардум, ки сенсиз зинда эрмишман,
Гуломидурман ул тилни, деса: «куймас бу бўхтоним».

Нечун майл этмадинг менга, десам, куймаклигимдин шод
Экансан, нозанин, ғоз этма, ёрим, ўртаб имоним.

Менинг ўтдек дилим контак каби чавгонига тушди,
Ажабким, куймади чавгон бу оташ тушгани оним.

Соқиё, май бер, бекор ўлтирумагил, келмиш баҳор,
Баҳт ҳам бекорчиликдан ишга бермиш ихтиёр.

Мен вафо тухмини эккан эрдим ишқим боғида,
Ул ниҳол ҳам ўсмиш, унмиш мевалар бермиш қатор.

Дил чўлин бағрим хуни бирлан сугориб, яшнатиб
Қўйган эрдим, бул куни овлиқقا келмиш шаҳриёр.

Хотири кўнглим баробар изтиробда эрдилар,
Хотиримга келди осойишлигу дилга қарор.

Қайда бундан ортиқ иқболу саодат бул йўсун?
Келди ёрим, эй дилим, хизматда бўл, келмиш нигор.

Эй Низомий, жон ила шукронга қилмоқ шарт эрур,
Фарқ ўлиш ваҳми агар бўлса кема, тайёр канор.

* * *

Қайдаки сен бор, қамар на даркор,
Кимгаки сен ёр, шакар на даркор.

Ул тунки, ойдек чиқиб келурсан,
Дерларки; бул кеч сахар на даркор.

Хуснинг умиди дўлимда ёрқин,
Шул дурдан ўзга гуҳар на даркор.

Қачондир охир эшигим очгили,
Йўқса ҳама дардисар на даркор.

Ваъда берасен, нечун вафо йўқ,
Менинг ғамим шул, дигар на даркор.

Қуллиқдан эрур Низомий лофи,
Зулфингдан ўзга камар на даркор.

* * *

Гул майга қараб чунон кулибдир,
Ҳатто илик-устихон кулибдир.

Бул қақчаға богни яшнатибди,
Лола танасида жон кулибдир.

Еш тўқкан экан саҳар булути,
Ул гирядан арғувон кулибдир.

* * *

Дилимда қолмади тинчлик ва ором,
Талаб кетди ўшал маъшуқи Баҳром.

Етур пайғом ёримға, сабо, тез,
Етиб анга дегилким, эй Диlorом,

Қачон мендин узоқ кетдинг чунонам,
На хуш қолди, на қолди ақлу ором.

Ичибсанму ғамимнинг шарбатин сен,
Аё ар-ар қаду ҳам сийминандом.

Югурдим ҳар тараф мен мисли Мажнун,
Тилимда Лайли номи субҳдин шом.

Югурдим эрта-кеч манзил-баманзил,
Талаб айлаб сени, эй чехра гулфом.

На сендин бир хабар тапдим, на пайғом,
На сендин менга согар бор, на бир жом.

**Гажак зулфингта тушдим мисли ов мен,
Кўлу пойимга зулфинг ташламиш дом.**

**Ғазал айтмоқни қўй эмди, Низомий,
Кириб хилватга чўк туш зору ноком.**

* * *

**Дариго дил, дариго дил, ки дилдор топмадим ҳаргиз,
Ғамим англар, ғамим англар, ки ғамхор топмадим ҳаргиз.**

**Бу мискин дил вафодорлик учун бўлмиш ҳижил доим,
Вафодорлик қалиб, ҳеч бир вафодор топмадим ҳаргиз.**

**Дилимга сухбати ором сухбутидош қаён топқум,
Агар билсанг, ҳабар етказ, бирар бор топмадим ҳаргиз.**

**Ҳаётим харж этиб ошионамолар кўйига ҳар дам,
Кетурми умр бехуда, харидор топмадим ҳаргиз.**

**Агар дўстлар аро соҳибдили бўлса бу оламда,
Кидирмишман нечукким мен бирар ёр топмадим ҳаргиз.**

**Бу саҳродан кими гул терса, ул хандон бўлур албат,
Харобмен хор тердим-ку гулинор топмадим ҳаргиз.**

**Низомий, сўз дурин сочиб, фақат Ширвон сари юргил,
Шаҳаншоҳдан бўлак одил харидор топмадим ҳаргиз.**

* * *

**Дилимда гусса-ғам бисёру бисёр.
Харобот шавқи-ю хуммору хуммор.**

Бебаҳтларнинг йўлини тутдим, йўли шул,
Риёкорлар дами даркор-даркор.

Не қилсун менда тасбих, эй яқинлар,
Бу хирқам остида зуннору зуннор.

Салибу қўнгироқдин фахр этдим,
Намоз тасбихга дилда ору юз ор.

Нечун пофам кесар ул мухтасибким,
Не бўлгай гар дилим майхору майхор.

Кирай даъво ила майхона ичра,
Бозорда жарчилар қатору қатор.

Менинг киссамда ҳеч нақдина йўқдир,
Не қўрқув ўғридин, не зору безор.

Муҳаббат зулмида, минг-минг шукрким,
Танамда бошу бошга сиртмоғу дор.

Бу ишлар ичра айб этма, Низомий,
Қаландарвор йўлим бору йўлим бор.

* * *

Сен билан бул қул нечун хушдил эмас?
Ул фалак ғавғосидин ғоғил эмас.

Сен билан жон таҳлика, сенсиз жафо,
Оқибат иш ўнг эмас, бедил эмас.

Умрим ўтди ҳаққини сендан талаб —
Айласам, солгил қулок, ботил эмас.

Сенсизин кетди қўлимдан ҳосилим,
Сенсиз, эй жонон, мурод ҳосил эмас.

Сенку нақд, ёнингда йўлдан ургучи,
Менга бундай жой ҳечам манзил эмас.

Бул Низомий, кўрса ҳам жабру жафо,
Кўнгил асло ўзгага мойил эмас.

* * *

Ишларимми бу чигал, зулфингми, рўзгорим менинг?
Нуқтаму, оғзингми у ёки дили торим менинг?

Тун қарому ё дилинг, холингми, аҳволим менинг?
Шаҳд ширинму, лабинг ёки шакарборим менинг?

Ярқироқ Парвинми, дурми, тишларингми, эй санам?
Қоматингми тўғрироқ, ар-арми, гуфторим менинг?

Нур берар ойму, қуёшму ё юзинг ёки сўзим,
Толимми бекарор, хулқингми ё корим менинг?

Қингир у вадангми ё қаддимми ё раъйинг сенинг?
Сўзларингми бесос, бод, хомхаёл зорим менинг?

Менда йўқдир сабр жиндек, сенда паймону вафо,
Беадад хуснингми ёки қайғу бедорим менинг?

Кўзларинг хунрезроқму ё фалак ё шоҳ тифи,
Тезроқ ғамзамми ё шамширми, бозорим менинг?

Дилни овларми висолинг ё менинг шеърий сўзим,
Дилни ўртар айрилиқми, ёким оҳ-зорим менинг?

* * *

**Келди баҳор ишқ ғасли бу, маъшуқи гулрухсор қани?
Ишқ аҳлига тўлди бу боғ, охир дегил, дилдор қани?**

**Хирман ўлиб дебойи чин, зебо бўлиб сахро чунин,
Даъвогар айтчи ростин, зулфи муанбар ёр қани?**

**Ҳар дамда шайдо булбули, етди қулоққа ғулғули,
Кимга насиб олам гули безаҳмату бе хор, қани?**

**Булбул ҳамон айлар фигон, ҳар ноласи сўзлар равон,
Раст айтайин, кездим жаҳон, бир дўсти маънодор қани?**

**Ҳеч топмадим дўстдан асар, ўтган йилу йиллар дигар,
Бу йил яна ташла назар, чин дўст қани, чин ёр қани?**

**Кўп бошини чарх пастга йиқиб? Кўп дўстлар қўлдан
чиқиб,
Ҳам ваҳмалар дилни сиқиб, ҳушёр дилозор қани?**

**Эртан, Низомий, очма лаб, кирсанг агар боғи тараф,
Ким кўрса гар, десуи «ажаб, булбули ҳушгуфтор қани?»**

* * *

**Бул давлати сармастиим ҳушёр бўлур бир кун,
Үйқудаги бул баҳтим бедор бўлур бир кун.**

**Туни кечалар уйқуси кетмайди бекор охир,
Сабр айласам ул уйқу даркор бўлур бир кун.**

**Ениқ эшик очилгай ҳам тун кеча тонг бўлгай,
Дилбар шу зайл қолмас, дилдор бўлур бир кун.**

**Оҳиста бўл, ул душман ҳам дўст бўлур бизга,
Осударак, эй душман, ул ёр бўлур бир кун.**

**Ғам бирла алам мендан кўргач севинар ёвлар,
Кўзларда азиз бул он, ҳам хор бўлур бир кун.**

**Коғир бўлибон қолдим дастидану шул қўллар
Ўрган сочи белимга зуниор бўлур бир кун.**

**Оҳ, аҳди Низомийни синдириди ўшал жонон,
Мен қўрқамен аҳдидан бэзор бўлур бир кун.**

* * *

**Юз Юсуфи Канъондир, йўлларингда қурбондир,
Йўлларингда қурбондир, юз Юсуфи Канъондир.**

**Лабларинг дурафшондир, ёқуту зиё сочган,
Еқуту зиё сочган, лабларинг дурафшондир.**

**Якка ўзи султондир хусн эли диёринда,
Хусн эли диёринда якка ўзи султондир.**

**Сирли боқиши жондир, ошуби жаҳондир ул,
Ошуби жаҳондир ул, сирли боқиши жондир.**

**Тан ва жонда пинҳодир ғамзаси Низомийга,
Ғамзаси Низомийга тан ва жонда пинҳондир.**

ҚИТЪАЛАР



Кетдинг, тонди шикаст маҳфилимиз,
Хам маҳфилимиз, ҳам дилимиз.

* * *

Душманим мендан зўр, дилимда алам,
Бедаво касаллик давоси чидам.

* * *

Нопок киши ҳикмат сўзин қайтарса,
Яхши маъносини йўқотмас ҳикмат.

Покизарўй киши жим ўтирса ҳам,
Гўзал табиати барчага ибрат.

* * *

Ул тоза гулга мен этиб насиҳат
Дедим ҳамнишининг бўлмасин хас-хор.

Аммо биз хокийлар яхши биламиз.
Унинг этагига қўнмайди ғубор.

* * *

Бир кун бир ёш йигит гўрига етдим,
Гўрдан чиқар эди юз нола, фарёд.

«Нечун нолийсан, эй навқирон?» дедим,
Деди: «Кексаликка етолмадим, дод!»

* * *

Ҳамдамим менга деди: «Бир кун суҳан асносида,
Сенга маълумдир фалак асрорию кори жаҳон.

Ҳам фазилат мулкида якто ҳукумдору амир,
Ҳам суҳан иқлим аро сенсан ягона қаҳрамон.

Умр ўтказма тажарруд кунжида танҳо ўзинг,
Ўзгалар оила аҳли бирладир тинчу амон».

Мен дедим: «Эй фикри шаъми жонимизга нурбахш,
Эй ақл бирла гуҳар зотинг одамзодга ҳаён,

Менга амр этганларинг аслида бори яхшилик,
Чунки яхшидан ёмонлик келганин билмас замон.

Лекин ишқ куйида озод эрса кимки сарвдек,
Токи имкон бор экан бўлғай сарафroz, шодмон.

* * *

Ҳайфdir гунча мисоли жонига солса тугун,
Гул каби бир неча кун боғ ичра биз ҳам меҳмон.

Гар аёл васлин қидирган кимса онинг васлидан,
Роҳату кайфу сафо, ишрат дегайдир ҳар қачон.

Лекин ундан яшнамас суҳбат чироги ҳеч маҳал,
Мен гапирсам боғдан, тоғдан келодир ул ҳамон.

* * *

Ақл кўзи била кўрдим жуда кўп,
Гапирмаслик экан одам жамоли,

Илм баҳси ила дарсга берилмоқ,
Билан доим ошар инсон камоли.

Замони шеъру сатранж ҳам ҳикоят
Булар бирлан етар хотир малоли.



РУБОИ ЙЛАР



Эй ўз қоматидан бўлган сарафroz,
Кўзларинг пистирма қурган тийрандоз.
Зулфинг ҳалқасидан дили қон бўлиб,
Белин боғламади бу кўнгил жонбоз.

Холимизни нисанд эттайсан, жоно,
Хусну жамолингта кўзим нораво.
Кайқубод, Хусровлар етмаган васлинг,
Бу шўрида ҳавас этса не савдо?

Хуррамлик асоси тортиб қолди нам,
Айшу ишрат тушди кишангага маҳкам.
Нечук шод бўлайин? Шодлик бўлмаса,
Нечун гам чекмайин, қонимда-ку гам.

Инъомингдан асар кутдим, бўлмади,
Дуогўйга назар тутдим, бўлмади,
Ранжу меҳнатингта шерикман, аён,
Роҳатингдан хабар кутдим, бўлмади.

Умримиз-ку шому хуфтон ораси,
Яхшилик қиласи одам сараси.
Бу дунё ҳеч кимга қолмас абадий,
Дўст дилини овла, гапнинг хулласи.

Иўл босдик, иш қилдик, барчаси ўтди.
Замонсозлик қилдик, боқмайин кетди.
Фигон чекдик, аммо қани товушимиз,
Умри нақдинамиз зум ўтмай битди.

Эй кўз кўрмадингми жонон кетганин,
Ингимизни кўриб, хандон кетганин.
Бир бирин суяшиб жону дилимиз,
Ул эса боқмайин шодон кетганин.

Ишқи ниҳолин дилга экдим ғамингдан,
Не-не аламларни чекдим ғамингдан.
Не сўйлай, ғамингда тўйдим жонимдан,
Яхшиси демаин лом-мим ғамингдан.

Эй паризод, тишинг, эъжози фалак,
Замона адолат кўрсатиб андак,
Дарёга писанда этиб десаки:
«Мана, дурни шундоқ ясамоқ керак!»

Ер кўйида кўнгил чаққон чопадир,
Бевафо ёрни деб, ҳарён чопадир.
Эс-ҳушдан айрилган девона кўнгил,
Девона на билсун қаён чопадир.

Қачонки ёр қўлга қизил гул олур,
Гўё майта тўлар ул жоми биллур.
Гул юзи гул билан кирса пардага.
Барча гўзалликлар жамул жам бўлур.

Бу висол кечаси бир пасдек ўтар,
Хуррам нафас ол, бир нафасдек ўтар.
Шодлик лочини бўл, фано калхати,
Бақо қуши эмас, магасдек ўтар.

Дилни фақирликка фидо қилайлик,
Фано заҳматига вафо қилайлик.
Гўшанишинликни адо қилайлик.
Кўнгилни нишони бино қилайлик.

**Кабоб еёлмайман, тўйганман ўзим,
Дўстсиз қултум сувга қаролмас кўзим.
Шоҳона мажлисда мастилик-йўқуллик.
Мен йўқеул, шаробга йўқ тажовузим.**

**Кайф қилишар кимга шароб етишса,
Дард ошхонасидан кабоб етишса.
Улар мажлисини ҳавас қиласман,
Шоядки менга ҳам гулоб етишса.**

**Менга ёвғон карам, шул ҳам етади,
Ғамим емас санам, шул ҳам етади.
Ўлсам дилим тирнар фақат бир нарса,
Санам тутмас мотам, шул ҳам етади.**

**Адолат фарзанди зафардир, зафар,
Зулмнинг меваси заардир заар.
Сахийлик айбингни ёпади осон.
Аммо баҳт асоси ҳунардир ҳунар.**

**Сарв қад кетидан югурма чаидон,
Халқинг таънасига бўласан нишон.
Дея бефойда панд берма, донишманд,
Ихтиёрсиз тортар ул қоши камон.**

**Балки саркашликини кўриб бошокда,
Бошини уздилар унинг ўроқда,
Тегирмонга солиб этдилар кукун,
Аввал пўстин шилиб, уриб таёқда.**

**Фигон чексам дўст ҳам чекади фигон,
Сабр қилсам агар, кўзлар нигорон.
Фақат бир нарсадан дилда ваҳима,
Рақибим додига етмасин жонон.**

Не гаплар бор, қайтаришга чидамайди бет,
Дашном, ёлғон, иғво, тухмат сўздан узок кет,
Душман сўзи дея дўстдан кечмоқлик абас,
Не десалар десунлар, дўст бирла умр эт.

Ишиқинг масти қилганга бўлмагил бедод,
Вафо йўлида у меҳринг этар ёд.
Ойнага боққил кетмасанг ҳушдан,
Ҳақ сенинг кўнглингда дерман умрбод.

Ишиқинг оташидан иситмам ошкор,
Дардингдан ҳалқумга келди жон, эй ёр.
Юзингга ўгринчи боқсам, эй дилдор,
Қатл этмаса ажаб мени шул дийдор.

Ичимликлар ичра шароб аълороқ,
Майкада ичида май-ноб аълороқ.
Оlam харобазор, обод жойи йўқ,
Харобада бўлсанг хароб аълороқ.

Вафо йўлида тан ва жонинг бой бер,
Молу зару сийим, ҳонумонинг бой бер.
Умид жиҳозин йиг' икки жаҳондан,
Фориг ўлтири, икки жаҳонинг бой бер.

Ғаминг юкин фалак ҳам ўлчолмайди,
Жабрингдан ҳеч кўнгил заҳр ичолмайди.
Шавқингдан ошиқлар шундай берар жон,
Ҳатто азроил ҳам ип ечолмайди.

Бу лабларда шакар ва сув аралаш,
Хуммор кўзларида уйқу аралаш
Вой, тоза очилган гунафшага бок,
Бош кўтармиш оташ ва сув аралаш.

Туриб кел сен учун ҳужрам ясатдим,
Дастурхоним улфат учун тузатдим.
Шаробу кабобга шерик бўл сен ҳам,
Уларни кўз ёшу дилдан яратдим.

Сен унда қолдинг мен эсам бунда зор,
Хаёлингдан ўзга йўқдир ҳеч ғамхор.
Ер юзига чизиб сенинг суратинг,
Қарасам кўзимдан хун оқар, нигор.

Менга даво сенинг масихо даминг,
Заҳмимга даводир сенинг малҳаминг.
Мен узринг, сен журмим айтамиз токай?
Сен қоним, мен эса ютамен ғаминг.

Қайдан қидирайин, сен мендан олис, мен на қилайин?
Дардинг кимга айтай, ким борки холис, мен на қилайин?
Яхши биламенки бундан буёқ сени кўра олмаймен,
Дилу жигар куйса чиқармайин ис, мен на қилайин?

Кўк гумбаз тагида билмайин тиним,
Паргордек айландим саргашта муқим,
Бисёр қидирдиму топа олмадим,
Бир мувофиқ дўстки бўлардим таслим.

Шодмизки, бир дамни олмадик бегам,
Бисёр қон ютдиқку дам урмадик, дам.
Оҳ шуъласи чиқмай очилмади лаб,
Қатра томмай киприк бўлмади-да нам.

Бизларки, жойнамоз бирла ёпдик хум,
Майхона ҳокидаи қилдик таяммум.
Зора ёрни топсак шу бутхонадан,
Уни биз черковда айлагандик гум.

Вақти етди, узлатдан чиқариб ўзни,
Яхши-ю ёмондан юмойлик кўзни.
Аквал ўз ишимиз поёнин билиб,
Кейин бошқалардан сўрайлик сўзни.

Бир кун Яман шохин гўри устига борсам,
Кўя чўздию тутди кафан, кўрсатиб карам.
Ва деди: «Бу саховаҳим айб айламагил,
Бу дунёда бундан бошқа йўқ бирор нарсам!»

Ё раб, ноз уйқудан уни бедор айла,
Хусни жомидан мастр, энди ҳушёр айла.
Ё мени бехабар айла ўз ҳолимдан,
Ё уни ҳолимдан сен хабардор айла.

Бунда ҳар ким тўплар мол, зар этакка,
Жонни кафтга олу сол зар этакка.
Ишиқ баҳри тўғонли ва бениҳоят,
Қингир қайиқ қачон етар этакка.

Бўлдику рўзгорим сиёҳ ғамингдан,
Тик қаддим камондек дутоҳ ғамингдан.
Фироқинг шунчалар айлади шитоб,
Бошим ҳам бебошеб, кўлоҳ ғамингдан.

Эй бод, сўзим ниҳон, атайлаб айтгил,
Юз тил ила аста очиб лаб айтгил.
Қўққисдан гапирма, малол тушмасин,
Кезини келтириб, авайлаб айтгил.

Дарвиш хасталикда чекар сарин оҳ,
На давлати қолди ва на жаҳон шоҳ.
Йўқлик сафарига дарвешлик яхши,
На шоҳлик ташвиши, на тожу кўлоҳ.

**Кеча тун етишди орому ишрат,
Енимда тоза гул бир моҳи талъат.
Зулфи гарданини олган камандга,
Гарданида сочи эшилган қат-қат.**

**Кошки халқ кўрсайди ўшал санамни,
Билармиди менга тушган аламни.
Ошиқ йигисидан кулишни қўйса,
Топмасмидик бирор бедил, бегамни.**

**Еру дўстдан холи бў бечора дил,
Ким бе ёру бекас ишлари мушкил.
Бир икки нафасга берилмиш ҳаёт,
Дил бўлса, дилдорсиз кун ўтказмагил.**

**Жаҳондан топмайин мувофиқ дилдор,
Бехуда кезамен ишларим душвор.
Жигарим қони-ю кўз ёшим билан
Дил ҳолин ёзамен деворма девор.**

**Гар оҳ урсам қайга етар фарёдим,
Сабр қилсан тугар умри ободим.
Бироннинг савдосин биронга бермас,
Ҳар нафас сендадир, ёр, фикру ёдим.**

**Най дерки: «Оёгим лойда эрди бас,
Менга ўроқ солди ҳаво-ю ҳавас.
Оғир жафо кечдим кимнинг қўлидан,
Маъзур тутай дилдан нолисам нафас.**

**Кўнгил берсан сендан қиласай шикоят,
Биласенми нечун арз бе ниҳоят?
Парда йиртилмаса сенинг ҳақингда,
Бениҳоят қоилар эдим ҳикоят.**

Эй дарвеш дил, шов-шув кўтариб ҳаргиз,
Яхши-ю ёмондан ўгирасен юз.
Фойда йўқ соchlaring тушиб кетса ҳам,
Бошингда тугун бир соч бўлса ҳануз.



Ҳ И К М А Т Л А Р



Ўзга қўли билан кавлама гавҳар,
Қўл-оғинг ишлат тириксан магар.

Шундай ишни қил, кўтарсин ҳолат,
Келтирмасин у сенга хижолат.

Олдин билиб олиб, кейин сўзлагил,
Олтин топиб, сўнгра харжин кўзлагил.

Муҳаббатсиз киши мисоли музлик,
Юз жони бўлса ҳам ўликдир, ўлик.

Муҳаббатсиз бўлганда олам,
Қачон тирик бўларди одам.

Халқ хизматига ярашга интил,
Хулқинг била бу жаҳонни соз қил.

Қаламга олиб бедодлиқни,
Халқ ичра ўрнат ободлиқни.

Сулҳ ила иш битиб турганда зинҳор,
Тепкидан бошлама, бу кимга даркор.

Ундай дардни доно қилмагай ҳеч ёд,
Ул агар айласа ғаним дилин шод.

**Жуда кўп иш дўстликдан унмиш,
Дўст керакдир, унсин десанг иш.**

**Бошда айланса ҳам гар тегирмон тош,
Одам эмас тортса, дилбаридан бош.**

**Жоннинг душмани ҳам гар бўлса доно,
Ақлсиз дўстдан у юз карға аъло.**

**Қадам қўяр жойинг яхши синааб бок,
Фақат шундан кейин ишга қўй оёқ.**

**Ўз ўзингга зўрлик қилиб шер монанд,
Сўнгра ўзинг бўл ўз хулқингга фарзанд.**

**Эгрилик келтирас бошга ғам-алам,
Тўғриликчи, барча ғамларга барҳам.**

**Қамич тоиди шакар тўғрилигидан,
Эгрилигидан гул бағрида тикан.**

**Боғла вафо аҳди камарин маҳкам,
Аҳдинг бузмасликка қадам қўй, шаҳдам.**

**Қинғир қилмишлардан ўгириング юзни,
Тўғри йўлда мақсад кутадир сизни.**

**Инсонга навозиш — эҳсон ва қарам,
Озодни ҳам сенга этади маҳрам.**

**Ўзгалар айбига тетик назар сол,
Ўз айбинг кўргандек, ундан ибрат ол.**

**Агар сув топ-тоза, бўлса ҳам зулол,
Кўп ичилса ул ҳам меъдага малол.**

**Икки юрак қўшилган замон —
Тоғларни ҳам этишар талқон.**

**Одамга аралаш бўлсанг гар одам,
Одамлар ичрадир мўътабар одам.**

**Кимки ўрганишни уят, ор демас,
Сувдан дур топади, тошдан латъл олмас.**

**Ешлиқдир-ку асли дадилликка тож,
Гоҳида иш кекса ақлига муҳтоҷ.**

**Доно ёш бўлса ҳам ишда серилож,
Гоҳи бўлур кекса сўзига муҳтоҷ**

**То бордир соғлигу ёшлиқ билаги,
Рўёбга чиқади ҳар ким тилаги.**

**Нафсингни жийрони бўларкан роминг,
Ихлос тангасига сўқилур номинг.**

**Нолойик сўз зоҳир этса нодон тил,
Унга сукунатни жавоб айлагил.**

**Тил сўзлаганда тил, кўз кўрганда нур,
Аввал узум пишар, сўнг шинни пишур.**

**Бадхулқ меҳрибондан яхшидир юз бор,
Ширин забон бўлса меҳрсиз ағёр.**

**Чалиниб турса ҳам сўзингга қарсак,
Сўзламай ўлтирмоқ яхшидир, андак.**

**Эшитганинг ювиг ташла сув мисол,
Фақат кўрганингдан де, кўзгу мисол.**

Сўзинг лутфи оқса бамисоли об,
Ўшанда ҳам камроқ гапирмоқ савоб.

Кам гапириу танла мисли дур,
Оз-оздан ҳам жаҳон лик тўлур.

Ҳар аёл хотинмас, ҳар бола фарзанд,
Ҳар гул мева бермас ё ҳар қамиш қанд.

Икки дилбар тутса, ул дил дил эмас,
Кимда икки дилдир ул оқил эмас.

Аёл не тўқиса, шуни кўради,
Эркак нима экса, шуни ўради.

Ким олдинга боқар, хато қилмайди,
Ўлимдан сўнг дору шифо қилмайди.

Еқсан ўтинг таратар тутун,
Пушаймонинг фойдасиз бу кун.

Ноумид бўлмагил қаро кунда ҳам,
Қут қатраси қаро булут ичра жам.

Чора эшигини беркитма асло,
Аччик бўлади-ку кўпинча даво.

Ноумидликдан ҳам умид урап бонг,
Қаро кечадан сўнг, отар оппоқ тонг.

Яхши бил, қаро тун тушса ҳам бошга,
Охири етурсан порлоқ қуёшга.

Дунёда ечилур ҳар қандай тугун,
Лекин бирдан эмас, оҳиста, секин.

**Ҳар кеча сўнгидা нури зиё бор,
Ҳар бардош сўнгидা завқи сафо бор.**

**Кудук қази ердан сув чиқса агар,
Қончиқар жойдан ур томирга наштар.**

**Сирингни айтмоқчи бўлсанг, хўп сара,
Сара дўстингга ҳам душмандек қара.**

**Ҳеч ким экканини ўзимга демас,
Ҳеч ким керагидан ортиқча емас.**

**Аждодлар боғу роғ экиб кетишиди,
Мевасига янги авлод етишиди.**

**Биз учун экилган экан неча боғ,
Экайлик бошқалар учун биз бу чоғ.**

**Экишу ўришдан иборат жаҳон,
Барча бунда бири бирига дехқон.**

**Кўзгатаркан қайси иш шармсорлик,
Бажо эттанга ҳам келтирас хорлик.**

**Хунарни ҳам айбга санар ақли ғўр,
Товус оёғинимас, қарга кўзин кўр.**

**Хурмо дарахт баланд бўлмаса эрди.
Ҳар бола тошидан кўп завол ерди.**

**Осмону заминда не бўлса бари
Одамнинг фикридан эмас ташқари.**

**Сенга маълум қиличбозлиқ маҳоли,
Ғўдаймаклик бўлур бошнинг заволи.**

**Бу кун бир кунимга яра, эй одам,
Бир кунингга яраб қолурман мен ҳам.**

**Дунёдан йўқолиб кетса хору ҳас,
Гулу шамшод қадрин ҳеч ким билолмас.**

**Баҳор келса қуруқ гулни ирғитма,
Совуқ қуш иш бериб қолар, унутма.**

**Юқтирганин дилга ҳеч қандайин гард,
Ҳар қандайин гард ҳам дилга оғир дард.**

Бир текис ўсмагай қўлда ўн бармоқ.

**Чўнтағи бўм-бўш одам,
Доимо хотири жам.**

Оз яхши — кўп ёмондан яхши.

**Юз киши ҳузурига келур бир одам,
Бирнинг ҳузурига юз келмас ҳечам.**

Ўзга оёғила йўл юриб бўлмас.

**Ҳеч ким демайди, жоним,
Аччиқ менинг айроним.**

**Билимсиз бўлса киши,
Дуруст чиқмас ҳеч иши.**

**Шундай иш танлаб ол, шундай қил меҳнат,
Умрингда ундан ҳеч чекма хижолат.**

**Хунар ўрган, чунки хунарда кўп сир,
Епиқ эшикларни очар бирма-бир.**

Кандасану шоҳлик даъво этасан,
Нечук шоҳсанким, ёвузлик экасан?!

Сабр қилган бўшар бандидан охир,
Бандларнинг калиди сабрдир, сабр.

Часихатим ол, эй ўғлим якбор,
Ота пандидан бўлғил ҳосилдор.

Роҳати мардум дегил, озор демак
Мева бермас, ҳеч хижолатдан бўлак.



«ҲАФТ ПАЙКАР»ДАН



ФАРЗАНДИМ МУҲАММАДГА НАСИҲАТ

Эй ўглим ҳушёр бўл, ҳушёр бўл, ҳушёр,
Үйқуга кетгум мен, сен эса бедор.

Насибанг боғдаги гулдек очилмоқ,
Муҳаммад зиёси номингдан порлоқ...

Яхшилик тамғаси номингда харчанд,
Баландликдан яна кўтариш баланд.

Қачонки бўлурман қабр ичра банди,
Шуҳратим кўтаргай номинг баланди.

Сўҳбатдошлик қилғил яхшилар билан,
Ишларинг саранжом топар яхшидан.

Хушбўй, хушхулқ ила ўлтириш бир нафас,
Бадхулқнинг сухбати мисоли қафас.

Бир бадхулқ қўшилса улфатга агар,
Исми юз покиза номинг булғатар.

Битта қуш илингани бўлса тузоққа
Ажабмас юзлаб қуш тўлса тузоққа.

**Ҳаж йўлида зарин ютди бир соқчи,
Юзлаб киши қорнин ёрди қароқчи.**

**Кексалардек ожиз мудрама йўлда,
Зулм яроғини тутмагил қўлда.**

**От ўйноқлашига бўлма маҳлиё,
Йўлга бок, йўл оғир, унда кўп бало.**

**Йўл узра лочиндеқ учиб борсанг ҳам,
Қуёш каби йўлдан кўз узма бир дам.**

**Билиб қўйки йўлинг овлик сер бало,
Осмон камонининг ўқи маҳлиё.**

**Оҳанглари гарчи нафис оҳангдир,
Бу йўл оҳанграбо, тошлоқ харсангдир.**

**Бу улов устида юки кўп оғир,
Ҳар пасту баланддан ўтолмас гир-ғир.**

**Оlam танглик қилса, бермаса фурсат,
Юрак сиқилмасин, лобарлик кўрсат.**

**Кўп тугунлар борки, калиди пинҳон,
Кўп қийинчилик бор, иложи осон.**

**Тушлар борки, киши дилгир бўлади,
Кўпинча яхшилик таъбир бўлади.**

**Жигарга қадалар гарчи ғам ўқи,
Давосини сабру саботдан тўқи.**

**Яхшилик дуррини сақла маржонда,
Емондан узоқ бўл, қолма армонда.**

**Асли ёмон қилмас ҳеч кимга вафо,
Емон ёмонликдан тонмагай асло.**

**Шукингчун ёмондир аслидан чаён,
Заҳар солмоқ ҳунар, тийилмок нуқсон.**

**Ҳунар ўрган, илму ҳунардан хуллас
Эшик очувчи бўл, ёпувчи эмас.**

**Кимки ўрганишни уят билмайдур,
Тошдан лаъл ундиrap, сув қаъридан дур.**

**Кимнингки илмдан ризқу рўзи бор,
Илм ўрганишдан асло этмас ор.**

**Қанча тез фахмлар қилди танбаллик,
Охири ишлари бўлди ҳаммоллик.**

**Қанча дили сўқир, пўстак табиат,
Таълим ила топди шону шарофат.**

**То кишида ёшлиқ, соғлиқ иқтидо,
Ҳар мурод калиди қўлда муҳайё.**

**Сарв қоматга шикаст етишса агар,
Мумиё давоси қайдан топилар?**

**Букун гуркираган жаҳонинг сенинг,
Йўл юр, оёқда йўқ нуқсонинг сенинг.**

**Менинг умрим сўлмиш, тўкилмиш япроқ,
Лола юзим сарик, бинафшам оппроқ.**

**Гавдам кўтармакдан топдим хасталик,
Оғир кўлоҳдорлик, камарбасталик.**

**Хизматим бажаар эрдим мардона,
Энди ундаи мардлик менга бегона.**

**Қувватимни қирқиб ташлади айём,
Айёмнинг одати шудир вассалом.**

**Евлар солар дойим таъбимга хатар,
Соябон, қалқоним илм ва ҳунар,**

**Пастга урмоқ истар ҳар инсонни ҳам,
Кимга юз ўгириб берамен салом?**

**Ешлик ўтиб кетган бўлса-да, аммо,
Кўнглим тўла ғайрат, мана муаммо.**

**Бундай тамга фақат менга ёрмикан?
Е ҳар кимда шундай бало бормикан?**

**Яна ёдингда тут, дилим давоси,
Хокимни ўпувчи, руҳим жилоси,**

**Қоронгилиқ эмас, рушнолик қил,
Синик бу кўнглимга мумиёлик қил.**

**Гарданим ипдан ҳам ингичка бул кун,
Кўтаролмас ҳатто чўпу хас юкин.**

**Ўз ризқим донидан қилиб қаноат,
Садафдек хонамда сарварман фақат.**

**Бирорларга мухтоҷ бўлгандан минг бор
Яхшику қаноат бўлса менга ёр.**

**Ўзга ҳомийлигин шер этиб инкор,
Мавжудот ичинда бўлди улуғвор.**

**Дастурхонингдан ион улаш кўпми оз,
Ўзга холвасини егандан шу соз.**

БАХРОМНИНГ АЖДАҲОНИ ЎЛДИРГАНИ

**Пайдарпай тоза май ичиб неча жом
Ширакайф саҳрога йўл олди Баҳром.**

**Камон тортиб шикор бошлибон гўрга,
Қулонлар нечасин тиқди у гўрга,**

**Гўрга зўрлик қилди Баҳром паҳлавон,
Қулон сўнгагига тўлди биёбон.**

**Охир пайдо бўлди бир мода қулон,
Талотум, ғавғога тўлди бу жаҳон.**

**Қомати хаёлий пари нишона,
Юзи гулдек тоза, очиқ пешона.**

**Сағриси тептекис мисли яхмалак,
Елиндаги суту шакардан дарак.**

**Енда мушкин чизиқ мисли самбиттол,
Бошдан туёққача танаси хол-хол.**

**Баҳромни кўрди-ю пойга берди зўр,
Отин қўйиб қува кетди Баҳром Гўр.**

**Ешу чопқир эди овлиқда қулон,
Овчи ҳам қуварди мисоли қоплон.**

**Эртадан кечгача чопар бе тиним,
Шер ҳам қувиб борар уни сер унум.**

От бошин қулондан бурмас эди шоҳ,
Нечук жилов тортсин қулондан, э воҳ.

Охир дашт тугади, етишди жарга,
Ҳеч одам оёғи етмаган ғорга.

Овчи етди қулоң бошига, аммо,
Ғор оғзида ухлаб ётар аждаҳо.

Қоронгида тоғдек чирманиб ётар,
Ул ҳам овга ҳозир, тирманиб ётар.

Қаро тутун ила оташу олов
Ичидан бошини айлабон ялов,

Чиқармиш, дараҳтдек на барг на шоҳи,
Ажал хабарчиси дўзах подшоҳи.

Оғзин катталиги бамисоли ғор,
Ҳалокатдан ўзга на юмуши бор?

Қулоң боласини ютиб ҳўп тўйган,
Вақтинча ов қилиш одатин қўйган.

Подшо ўз йўлида балони кўриб,
Аждаҳо бўлди аждаҳони кўриб.

Ов завқидан кетди ўлим ваҳми бок,
Жиловни қўйди-ю никтади оёқ.

Ўйлади таажҷуб бу қандайин ов,
Не тадбир қилайин, бу қандайин ғов.

Энди тушундиким қулоң кўриб ғам,
Аждаҳодан чекиб саноқсиз ситам.

Шоҳни чорлаб келмиш адолат тилаб,
Ситамкорга қарши далолат тилаб.

Шоҳ деди: «Аждаҳо ёнини олсам,
Ажабмас гўрда ҳам хасратда қолсам.

Мену қулон, дилга адолат тўлсин,
Ўлимдан ваҳм йўқ, не бўлса бўлсин!»

Қўш учли тез учар бир ўқни олди,
Дастаси оқ, таранг камонга солди.

Аждаҳога қарши кўзида ғазаб,
Пистирмага ўтди ўзида ғазаб.

Аждаҳо бошини кўзлаб паҳлавон,
Икки бошли ўқдан бўшатди камон.

Иккала кўзига қадалди ул ўқ,
Дунёни кўришга энди ҳеч йўл йўқ.

Қўш уч ўқ ҳавода нурдек эшилди,
Қаро аждаҳонинг кўзи тешилди.

Аждаҳога бўлди жанг майдони танг,
Бошига келди шоҳ мисоли наҳанг.

Томоғига найза солди бебок эр,
Гуё андомига панжа урди шер.

Дудима найзасин бурай бошлади,
Аждаҳо тамоғин йиртиб ташлади.

Аждаҳо бонг урди ва ҳазин бир ун,
Сўнгра қулаб тушди мисоли устун.

Аммо шоҳ қўрқмади боз солди човут,
Тоғ увуллашидан қўрқарми булут.

Шоҳ тигидан бошсиз қолди ахриман,
Яхши бошсиз жонсиз бўлса гар душман.

Оғзидан тилинди думига қадар,
Қулон бола чиқди қорнидан сиймбар.

Ўч олмоқлик учун қасоскор қулон
Шоҳни чорлагани энди бегумон.

Яздонга саждага эгилди шоён,
Аждаҳо ўлдию бу қолди омон.

Яна овлик томон бўлиб от сурмоқ,
Энди узангига қўйганди оёқ.

Шоҳ кетаётганин кўрибоқ қулон,
Фор ичинда яна кўринди шул он.

Тутмоқ бўлиб уни подишоҳ яна.
Фор ичига отин сурди мардона.

Қийналиб фор ичра зина ба зина,
Кириб, яшнаб кетди топиб хазина.

Бир неча хум тилло мисоли пари,
Беркиниб турарди одамдан нари.

Хазина калитин киритгач қўлга,
Аждардан тозалаб, қаради йўлга.

Фордан чиқиб бўлди йўлга равона.
Яна йўлбошчилик қилди мардона.

Бир соат ҳам ўтмай шоҳ аъёнлари,
Етиб келиб тўлди унинг ёnlари.

Бирма-бир келишиб олишди қуршаб,
Барчаси турарди атрофда саф-саф.

Шоҳ буйруқ бердиким, акобир, аъён,
Барча овчи ботир, барча паҳлавон.

Фордан хазинани чиқариб барин,
Уловга юклашсин кумушу зарин.

Уч юзта нор тужа корвон шоҳона,
Ғазна ортиб йўлга бўлди равона.

Қулон ҳисобини қилиб подиши,
Тигидан ер тишлаб қолди аждаҳо.

Оқибат ранжида қилибон қадам,
Ҳам ҳазина топди ҳам қайтди ўқтам.

БАҲРОМ ВА УНИНГ КАНИЗАГИ

Овни кўнгли тусаб Баҳром шоҳ ботир,
Бир куни айланди баланд тогу қир.

Қулон туёқ оти қўзғатди тўзон,
Тийрандозлик қилиб қулатда қулон.

Иўл тўсар отлиқлар бутун бир қўтон,
Қулонни қувлашар эрди шоҳ томон.

Пистирмада пусиб турар шоҳ шерзот,
Остида ўйноқлаб турар тулпор от.

Шоҳ ёнида битта каниз бор эди,
Размда, базмда, овда ёр эди.

Номи фитна, юзи-кўзида фитна,
Ҳуснидан подшонинг ўзида фитна.

Юзин очса баҳор, беҳиштдек жамол
Хиром этса майса юзида шамол.

Бунинг устига у яна хонанда,
Раққоса, мутриба, моҳир созанда.

Кўпинча ширкорда, бозмда бирдак,
Шоҳ наздида ўйнар, куйлар канизак.

Унинг сози чангур, шоҳ сози камон,
Ул овлайди кўнгил, шоҳ овлар қулон.

Неча ов кўринди биёбонда бот,
Баҳром улар томон тезлаб кетди от.

Пароканда бўлди тез чопар қулон,
Шер босиб борарди қўлида камон.

Ўқини камонга жойларди осон,
Шердек наъра ила тортарди камон.

Орқасидан қувиб етар эрди ўқ,
Қулон ер тишларди бошқа чора йўқ.

Неча вақт овлиқда ҳар ён от солди,
Кўпин ер тишлатди ё тутиб олди.

Шунчак иш ўтди-ю нозли канизак,
Шоҳга мақтов сўзин айтмади андак.

**Подшоҳ индамай турди бир муддат
Узокдан бир қулон ўтарди шиддат.**

**Деди: «Эй турк қизи кўзлари химмор,
Мерганлигим нечун этмайсан иқрор?**

**Менинг мерганлигим ҳаддан зиёда,
Сенинг назарингда нечун афтода?**

**Ана қулон келди не ғавғо солай
Айт унинг бошига не савдо солай?***

**Деди: «Руҳинг сафо чироғини ёқ,
Ўқ била тикилсин қулоққа туёқ.»**

**Шоҳ унинг айёра кўзига бокди,
Чора чироғини дилига ёқди.**

**Зўлдир отадиган камонин олди,
Унга қўрғошиндан бир соққа солди.**

**Қулон қулогига текканда зўлдир,
Қулон қотиб қолди титрабон дир-дир.**

**Зўлдирдан бўшатай деб қулогини,
Унга олиб борди кўш туёгини.**

**Шоҳнинг ўқи шунда мисоли чақин,
Учиб бориб тикди қулоқ-туёғин.**

**Чинли канизакка шунда дер Баҳром:
«Кўрдингми ҳунарим нечук, дилором?***

**Қиз деди: «Шаҳриёр машқидир бу иш,
Ҳар кимга ҳам осон машқ қилган юмиш.**

**Одам машқ қылса гар ҳар қандай ишни,
Қийналмай бажаарар ундаи юмушни.**

**Бундай ўқ тегиши одатдан эмас,
Аммо у машқдан, қудратдан эмас.»**

**Бу жавобдан подшо не ҳолга тушди?
Гүё ўткир болта ниҳолга тушди.**

**Лаб титради, қолмай дилида мадор,
Шаҳриёр айлади газабин ошкор.**

**Деди: «Жонга бало тирик қолдирсам,
Ундан беш батарроқ агар ўлдирсам.**

**Аёлни ўлдирмоқ мард иши эрмас,
Аёл жангда жангчи ё овда шермас.»**

**Енида бор эди улугзот сардор,
Шер каби ваҳмдор, бўридек ғаддор.**

**Ёнига чақириб дер унга Баҳром:
«Бу канизак ишин айла саранжом.**

**Фитна бўлмиш тахти боргоҳ балоси,
Фитнани сўндирамоқ ақл фатвоси.»**

**Сардор зулм этиб шоҳ жононасига,
Олиб кетди уни ўз хонасига.**

**Ишни шоҳ айтгандек тузмоқчи бўлди,
Бошин шам учидек узмоқчи бўлди.**

**Кўзида ёш ила деди ул дилдор:
«Асоссиз фармон-ла иш тутма, сардор!**

**Ўз жонингга душман бўлмасанг агар,
Бегуноҳ қонимга бўлма датвогар.**

**Мени мунису хос кўрар шахриёр,
Барча каниздан кўп қиласр ихтиёр.**

**Гарчи шоҳ наздида сурбетлик қилдим,
Дев ўюн кўрсатди, тўғри деб билдим.**

**Подиши қизишиб, қилди сиёsat.
Шошилиб солма сен бошингта офат.**

**Сабр қил бир муддат кўрсатиб чидам,
«Улдирдим» деб айтгил, майли бу алдам**

**Шоҳга ёқадими, бўладими шод,
Унда қоним ҳалол, тўқавер кушод.**

**Агар ўлимимдан шоҳ қайфи ёмон —
Бўлса, тану жоним топади омон.**

**Сен сўроқ, мен эса ўлимдан ҳалос,
Сарв тан қонига беланмас бехос.**

**Бир кун келар, мен ҳам ичамен қасам,
Улай, хизматингта хозир турмасам.»**

**Шундай деб маржонин ечиб у дилбар,
Сардорга узатди етти соф гавҳар.**

**Сардор бу ҳақ сўзлар маънисин ечди,
Бегуноҳ ул санам қонидан кечди.**

**Деди: «Зинҳор бошинг кўтарма ишдан,
Тийил шоҳ номини зикр қилишдан.**

Дея: «Мен бу хона хизматкориман»,
Кеча кундуз ишда тиним билмайсан.

Ўзим чора излай иш борар бўлса,
Замона бизларга зора ёр бўлса».

Ана шундай қилиб улар аҳд-паймон,
Бири ўлимдан, бири балодан омон.

Орадан бир ҳафта ўтди бе садо,
Канизак қиссасин сўради подшо.

Деди: «Уни гўё аждаҳо ютди
Ёш ва қон тўкилди, бебаҳо кетди!»

Кўзига жиққа ёш олди шахриёр,
Бир қарорга келди дилида сардор.

Сардор мулкида бор эди бир қишлоқ,
Узоқ жойда эди кишидан овлоқ.

Бир қасри бор эди кўп юксак авжи,
Томига тегарди булутлар мавжи.

Олтмиш зина билан чиқилар айвон,
Томининг устига қурилмиш чандон.

Шу айвон устидан жой олди каниз,
Азиз жойни олур гар келса азиз.

Сардор сигиридан туғилди бузоқ
Икки кунилик эркак буқачага боқ.

Паричехра уни ҳар куни бир бор,
Елкасига олиб, етказмай озор,

Қаср зиналарин босиб бирма бир,
Айвонгача олиб чиқарди охир.

Ҳар куни кумуш тан кийик кўз гўзал,
Бузоқни элтади томга бир маҳал.

Бирор кун бу ишни қилмади канда,
Хунарманд ҳунарин қиласар арзанда.

Бузоқ ўсиб гўштга тўлди охири,
Олти ойлик буқа бўлди охири.

Ул гўзал канизак гуландом ҳамон,
Кўтариб чиқарди уни том тамон.

Оғирлигин сезмас, чиқарар енгил,
Машқ қилиб кўтарган эди муттасил.

Бузоқ вазни ортиб боргани сари,
Кўпроқ ўзида куч сезарди пари.

**КАНИЗАКНИНГ САРДОРГА
ШОҲНИ МЕҲМОНГА
ЧАҚИР ДЕБ МАСЛАҲАТ БЕРГАНИ**

Бир кун дилтанг бўлиб ул кўзи хуммор,
Ўлтиарди, кириб келди ул сардор.

Икки қулоғидан олиб тўрт гавҳар,
Сардорга узатди ҳурсифат дилбар.

Ва деди: «Буларни олиб бориб сот,
Олганига беру, пулин олиб бот,

Бозор бориб қўй ол, мева-ю, гулоб,
Халво-ю ширинлик, емак ва шароб.

Жаннатдек мажлис қур қуийлсин шароб,
Дастурхонда қанд-қурс, халво-ю кабоб.

Бу томон ов қилиб келиб қолса шоҳ,
Узангиси қўлдан чиқмасин ногоҳ.

Дилинг йўлга тўша, қилиб жон фидо,
Тизгинин қўлингдан чиқарма асло.

Илтижойинг кўриб шунда шаҳриёр
Богинга киришни қилса ихтиёр.

Юлдуз манзарали кўшки айвонда,
Сут, асал берурмиз истаган онда.

Бизга насиб этса шундай баҳт агар,
Иккимиз ишимиз юришиб кетар.»

Гавҳарларни жойлаб қўзгалди сардор,
Минг-минг ато этиб худо бўлди ёр.

Бориб бу бойликни сарф этиб пинхон,
Харид этди ҳар не тилар дастурхон.

Сара таомлардан не кўрди кўзи,
Барин олди: товуқи балиқ ва қўзи.

Бодаю гул олди мажлис ясоги,
Халва-ю ичимлик меҳмон фароги.

Барчасини хозир қилиб батамом,
Кутиб юрди қачон келаркин Бахром.

САРДОРНИНГ БАҲРОМНИ МЕҲМОНГА ЧАҚИРГАНИ

Саройидан чиқиб бир кун шаҳриёр,
Саҳрога йўл олди мақсади шикор.

Қулоқ солгил нечук, хулласи калом,
Ов қилишдан олдин овланди Баҳром.

Бир қишлоқдан ўтиб борар давлатманд,
Унда сардор қасри булутдан баланд.

Шукуҳли бир даргоҳ ташланди кўзга,
Ўзга кўкаламзор, сояси ўзга.

Сўради: «Бу даргоҳ кимнинг даргоҳи,
Эгаси ким бунинг, қайда паноҳи?»

Узанги ёнида турарди сардор,
Шаҳриёр сўзларин тинглаб мансабдор

Ер ўпиг эгилиб айлади салом
Ва деди: «Раятпарвар шоҳ Баҳром,

Бу қишлоқ мёники сендан мукофот,
Лутфинг ила обод бўлган харобот.

Шоҳ агар бу жойни писанд айлагай,
Бу ҳақир бандани баланд айлагай.

Кичик бу эшикка сукса бошини,
Кўкка етказарди сардор бошини.

Шоҳ марҳаматидан бу кўшки айвон,
Унинг олдига паст ой бирла кайвон.

**Шунда бода ичса агар Баҳром шер,
Юлдуз ўпар унинг оёғида ер.**

**Шоҳ пойидан боғим таратар атири,
Аrim асал қуяр, сут берар сигир.**

**Шоҳ ундан бунчалик дўстликни туйиб,
Сардорга сўзлади қулоққа қуийиб.**

**Деди: «Фармонингда бўлурмиз бир оз,
Овдан қайтгунимча ишинг айла соз.**

**Шоҳ кетди-ю сардор ер ўпиб қолди,
Хотир ойнасидан ғубор йўқолди.**

**Манзилни ясатди мисоли жанинат,
Ҳар томон ораста ҳар ён сер зийнат.**

**Подшо овдан қайтиб бу жойга етди,
Чодирин лочини¹ нақ ойга етди.**

**Унинг атрофида парвона мезбон,
Гулоб, шароб, озиқ тўлиқ дастурхон.**

**Хуш таомдан подшо бўлганда сероб,
Шод базм бошланиб қуийлгач шароб,**

**Уч-тўрт коса шароб ичгач Баҳром шер,
Гулдек чехрасида шайдо бўлгач тер.**

**Деди: «Эй зар қаср эгаси мезбон,
Жойларинг фарохбахш, дилинг шодимон.**

1. Шоҳ чодири учидаги лочин сурати кўзда тутилади.

Лекин бу айвонинг эмасми баланд,
Бошига булут ҳам ташлолмас каманд.

Ешинг ҳам олтмишда зина ҳам отмиш,
Малол келмайдими тушиш ва чиқиши?»

Мезбон деди: «Бўлсин умрингиз боқий,
Ковсар шаробингиз, ҳурилар соқий.

Мендан ажабланманг, менку эр киши,
Мен толсам не бўлур аёллар иши.

Ажаби шундаким қизим бор ойдек,
Ипакдек нозигу мулоийим мойдек.

Тоғдек бир ҳўқизни олиб гарданга,
Кўтариб чиқади ушбу айвонга.

Шу олтмиш зинани ўтади бирдан,
Дам олмай елкада ҳўқизи бирлан.

Ҳўқиз бўлганда ҳам жуссаси нақ фил,
Ўз вазнин қўтариб боролмас бир мил.

Биллоҳи сипоҳдан бирорта одам,
Кўтариб туролмас уни бирор дам.

Аёл эса пастдан айвонга қараб
Тўхтамай кўтариб чиқар во ажаб!»

Сардор воқеани берганда сўзлаб,
Шоҳ ҳайратда қолди бармоғин тишлаб.

Деди: «Бу иш қандай бўлиши мумкин?
Бўлганида ҳам у жоду ё афсун.

**Бу гапга ишонгим кёлмас мутлақо,
Ўз кўзларим билан кўрмасам асло!»**

**Шул замон мезбонга шундай деди шоҳ:
«Айтганингга биз ҳам бўлайлик гувоҳ.»**

**Мезбон пастга тушиб қўл уриб тизга,
Бўлган гапни айтди канизак қизга.**

**Кумуштан вақтдан ҳўп огоҳ эди,
Барча нарсалари муҳайё эди.**

**Гарданига тақди чиний зеб зевар,
Наргиси пастига мил тортди дилбар.**

**Ойга мушк сепилди, ёзилди тақвим,
Ғамзага жодудан берилди таълим.**

**Кўзларга суртилди фириб сурмаси
Нозга итоб қўшиб, у суринкаси...**

**Қизитиб юборди ошиқ бозорин,
Гавҳарлари кўзлар қулоқ озорин.**

**Шу зайлда ҳўқиз ёнига чопар,
Сарв буржида ой ўз қадрини топар.**

**Бош эгиб ҳукизни кўтарди дилбар,
Боқ ҳукиз остида ярақлар гавҳар.**

**Зинадан югириб, чиқди айвонга
Баҳром ўлтирган жой тахти шоёнга.**

¹ Қадимий астрология илмида сарв — яъни ҳўқиз юлдузлар туркумига ойнинг келиши энг шарафли ҳисобланган.

**Шоҳ олдида турар елкада ҳўқиз,
Уни кўриб иргиб турди шоҳ, эсиз...**

**Ҳайратда танг қолди аммо не фойда,
Ўз фойдасин билмай танг қолган жойда.**

**Маҳлиқо ҳўқизни ерга туширди,
Шер кўзидан жонон юзин яширди.**

**Деди: «Енингизга чиқордим ҳўқиз,
Энди пастга олиб тушинг қани сиз».**

**Шоҳ деди: «Бу сенинг қудратинг эмас,
Ешликдан кўтариб машқ этибсан, бас.**

**Кун кетидан кунлар ўтибди дароз,
Бунинг вазнига сен созлашибсан, соз.**

**Мана букун энди ранж чекмай кўпам,
Кўтариб чиқасен чўнг ҳўқизни ҳам».**

**Шоҳга сажда билан боши эгиб нигор,
Ҳамду дуо билан дер: «Эй шаҳриёр,**

**Энди менга азим тўлайсан тавон,
Ҳўқиз машқ билану, bemashqimi қулон.**

**Шундай юкни томга кўтариб чиқсанам,
Буни фақат машқ деб, қилинди рақам.**

**Сен кичик қулонни отганда такрор
Этса машқ сўзин ким бўлур гунаҳкор?»**

**Айбдор шоҳ топиб туркӣ гўзалин,
Сапчиб турди билиб ишнинг тамалин.**

**Пардасин сидириб юзини очди,
Ой бетига кўздан марварид сочди.**

**Қучогига олиб сўрарди узр,
Гул эса наргисдан тўкар эди дур.**

**Хона ичра холи қолиб бир фурсат,
Пари чехра билан бошлади сухбат.**

**Деди: «Сенга бу ер бўлибди зиндон,
Кечирим сўраймен энди минг чандон.**

**Олов ёқсан эсам қайсарлик билан,
Ўзим кўпроқ куйдим сен жойингдасан».**

**Фитна ҳам ўлтирди, бошлади сўзин:
«Эй шахриёр фитна қўзгатар ўзинг.**

**Мени ўлдирганди бу жудолигинг,
Қайта тирилтирди ошинолигинг.**

**Ғамингда сабрим ҳам йўқ, қарорим ҳам,
Тоғни ҳам ўрнидан қўпаради ғам.**

**Ўз меҳрим ўзимга бўлди бир бало,
Оз бўлса жонимдан бўлардим жудо.**

**Овлиқда мўлжаллаб қулон қулогин,
Унга тикканингда қаттиқ туёгин.**

**Ўқ бўшатдинг, кўриб маҳорат мўлинг,
Осмон чапак чалиб ўпганди қўлинг.**

**Бундай маҳоратни кўрмаган ҳеч ким,
Емон кўздан сақлаб мен тургандим жим.**

**Ҳар нарсага сукли боқса гар инсон,
Емон кўз ҳавфидан бўлмайди омон.**

**Зараrim шу бўлди фалак аждаҳо,
Ўз меҳрим ўзимга бўлдику бало.»**

**Жуда маъқул тушди шоҳга бу суҳан,
Бундан яйраб кетди бирлан жону тан.**

**Деди: «Сўзларинг ҳақ ё оллоҳ, оллоҳ,
Вафодорлигингта бор неча гувоҳ.**

**Минглаб оғаринки тоза зот гавҳар,
Таъбингдан очади бунчалик хунар.**

**Сардор паноҳида бўлмаса соф дил»,
Гавҳар тошга тегиб бўларди чил-чил.**

**Сардорни чақириб ёритди дилин,
Елкасига ташлаб шоҳона қўлин.**

**Улуғвор савголар айлади тақдим,
Бир ўрнига минглаб бойлик олтин сийм.**

**Шаҳар томон йўлга тушди шод бе ғам,
Базмда шириңсиз яшнади хуррам.**

**Муъбадларни чорлаб ўқитди никоҳ,
Нигоҳига олди ойни подишоҳ.**



АФСОНА

Бир вақт шаҳардан икки навқирон,
Ўзга шаҳар томон бўлдилар равон.

Сафар қопчиғида ҳар ким ҳар йўсин,
Ғамлаб олган эди йўл озуқасин.

Бирин исми Хайру бириники Шарр,
Ҳар бирин исмига феъли ярашар.

Уч-тўрт кунлик йўлда маълум бўлди сир,
Кўтариб боришган озукни бир-бир.

Хайр сарф этди-ю Шарр сақлаб борди,
Бу донин ўрди, у экиб суғорди.

Иккиси етишди бир биёбонга,
Иссиқдан омон йўқ эди ҳеч жонга.

Танурдек қизиган ҳар ёқ қайноқ қум,
Иссиқдан темир ҳам бўлар эди мум.

Гармсел эсарди қурутиб халқум,
Оддий шамоли ҳам бунда зўр самум.

Шарр хабар топганди билар эди у.
Бу чўл жуда катта ва топилмас сув.

Мешкопин тўлдириб бойлаб, авайлаб,
Сандуқча бурчига қўйганди жойлаб.

Хайр хаёл қиласар қудуқлар йўлда,
Билмаски қудуқ ҳам қуруқ бу чўлда.

Биёбон қизиган, йўл эса узоқ,
Йўл босиб борарди иккала ўрток.

Шу алпозда ўтди етти иссиқ кун,
Хайр суви тугаб, Шарр суви бутун.

Шарр сувни Хайрдан тутарди ниҳон,
Ундан сўзламасди яхши-ю ёмон.

Хайр билди ҳамроҳин таги жуда паст,
Сувини беркитар шаҳсиятинараст.

Вақти вақти билан ундан яширин,
Сув ичар гёё мой ҳўнлар ақирип

Ташнилиқдан мадор сусайишига,
Қарамай борар, тиш қўйиб тишига.

Ташнилиқдан қуриб борар тану жон
Ўз жигарин қиласи обаки дандон.

Охир куриб қолди жигари ҳатто
Епилмай қолганди кўзлари ҳатта.

Енида икки лаъл тоши бор эди,
Нур сочар ярқироқ шуъладор эди.

Улардан сув каби оқар эрди нур,
Кўзга сувдек, аммо лаб топмас ҳузур.

Ялтироқ икки лаъл парчасин олиб,
Ялтироқ қум узра қўйди жим қолиб,

«Ташнилиқдан ўлдим, — деди базўр у
Ўтим ўчирмоққа бер бир қултум сув!»

Бир қултум сув бериб ҳолимга асқот,
Е химматинг кўрсат, ё бойлиққа сот.

Сенга бўлсин майли бу икки гавҳар,
Зилолингдан менинг гавҳарим сугар.

Шарр худо қаҳрига учраган инсон,
Номидан маълумкум ёмондан ёмон.

Деди бу тошлардан сен чашма кутма,
Менга маълум фириб йўлини тутма.

Биёбонда бериб гувоҳсиз гавҳар,
Қайтариб олурсан келганда шаҳар.

Фирибинг емасмен сен буни кутма,
Ўзим фирибгармен буни унутма.

Бу қиморда сенинг бу икки тошинг
Хўқачамга сигмас, бўлмас ёндошинг.

Рақиб билан қимор ўйнаган замон,
Минглаб фириб билан чиқамен осон.

Истамаймен булкун сен ичиб сувим,
Сўнг шаҳарда сўзлаб тўксанг обрўим.

Гавҳарларни олсам сендан бегувох,
Шаҳарда қайтариб олурсан, валлоҳ.

Бошқа гавҳаринг бор, беролмас фириб,
Уни ололмайсан мендан қайтариб.

Хайр деди: «Айтгил бу қандай гавҳар,
Гавҳар изловчига топширай бадар.»

Шарр деди: «Ул икки дийда гавҳари,
Булар ундан улар бундан дилбари.

**Е икки кўзингни менга сотасан,
Е сувдан умид уз, тошдек қотасан».**

**Хайр деди йўқми оллодан қўрқув,
Кўз нурига тенгми оддий қултум сув.**

**Чашма сувин ичмоқ ёқимли аммо,
Кўзни юлиб олмоқ бу қандай бало?!**

**Мен кўзимдан ажраб дарбадар гадо,
Бўлиб юрсам юзлаб чашмадан жудо,**

**Чашма суви учун кўз сотмоқ, хайҳот,
Сувингни гавҳарга ё олтинга сот!**

**Лаъл тошни ҳам ол, бор йўғимни ҳам,
Хат килиб берайин, эй яхши одам.**

**Худойимга қасам дилим овози,
Бу олди-соттидан бўлурман рози.**

**Менга яхшилик қил, эй яхши киши,
Мехринг совутмасин совуқ сув иши!»**

**Шарр деди: «Бу гаплар бари афсона,
Ташнага ҳар нарса бўлур баҳона.**

**Менга кўзанг керак, гавҳар бе фойда,
Бу гавҳар қайдо-ю, у гавҳар қайдо?»**

**Хайр иши юришмай, чорасиз қолди,
Кўз сувини чашма сувига солди.**

**Кўрди ташналиқдан ёнар жону дил,
Бу ерда жон сақлаб қолмоғи мушкил.**

**Совуқ сувга нисор иссик жону тан,
Қай ташна тияди ўзини сувдан.**

**Деди: «Майли олгил қўлингга ханжар,
Қултум сув ҳам келтири ёнмоқда жигар.**

**Оташин кўзларим ўйиб қил басир,
Бағрим оташини сувингдан ўчири!»**

**Дилида бор эди умид учқуни,
Таслим бўлгач, омон қўяр деб уни.**

**Шарр эса ханжарин кўтариб кушод,
Ул ташна бошига келди мисли бод.**

**Тиг уриб сўндириди икки чирогин,
Зиёсиз қолдирди ҳаёти богин.**

**Гулгун қилди унинг наргисин ханжар,
Узиб олинганди тожидан гавҳар.**

**Ташна кўзларини ўйиб ташлади,
Сув ҳам бермай йўлга туша бошлади.**

**Олди гавҳарини кийим-бошини,
Қоқ чўлда қолдирди жонсиз лошини.**

**Хайр билдиким Шарр кетди узокълаб,
На шарму ҳаё бор на дину мазҳаб.**

**Қонига беланиб ётар бир ўзи,
Яхшиям ўз ҳолин кўролмас кўзи.**

* * *

Бўлар эрди бир курд, чорвадор молдор,
Молига теголмас оч бўри ғаддор.

Чорвоси саногин билолмас асло,
Ҳеч кимда йўқ эди бундай кўп чорво.

Беш-олти хонадон курдларга бошлиқ,
Улар орасида бор қариндошлиқ,

Саҳронишин курдлар қадимдан хўп мард,
Саҳрода юришар бамисоли гард.

Ўт истаб саҳродан оқиб ўтарди,
Даштма дашт чорвосин боқиб ўтарди.

Қайдা сув кўринса ё гиёҳ алаф,
Шуида тўхташарди икки ҳафталаб.

Ўт-алаф тугагач жўнашар чаққон,
Ўтлоқ жой бўлади ўзга биёбон.

Иттифоқа шулар икки кун аввал,
Шердек урган эди шу даштга чангл.

Курд қизи бор эди гўзал, ой жамол
Хумор кўз қўғирчоқ, юзда қора хол.

Жигар қони ила қилмиш парвариш,
Нозу неъмат аро ўсмиш бе ташвиш.

Этакдан паст тушар зулфин арқони,
Арқонлаб олганди айни гардони.

Зулфи ҳалқа-ҳалқа бунафша мисол,
Қарға қанотидек қаро ва тўқол.

Гамзаси сеҳрида жам бутун афсун,
Замон фирибидан келади устун.

Сеҳри кўплигидан Бобул дерди халқ
Ким сеҳрига тушса, жим бўл, дерди халқ.

Қаро туи холидан олар қаролик,
Чеҳрасидан оқар ой рўшинолик.

Шакар тўкар лаблар пистайи ханда,
Бўса йўлин боғлаб турар даҳнанда.

Чодиридан чиқиб ўн тўрт кунлик ой,
Балиқдек сув истаб келар хушчирой.

Иўлдан анча жойда чашма бор эди,
Кўздан пана жойда бир дараҳтзор эди.

Шундан кўзасини тўлдириб санам,
Чодир томон секин ташларди қадам.

Узокдан келарди нола садоси,
Ноладан билинар дард мубталоси.

Овоз келган ёқقا бурилиб кетди,
Қонга ботган йигит бошига етди.

Оёқ қўл чўзилиб ётар бир бола,
Ёлвориб қиласарди худога нола.

Нозанин бошидан ноз-ишва учиб,
Кўр бошига келди кўзасин қучиб.

Деди: Вой кимдур бу қонга беланган,
Тупроқقا қорилмиш гулдайин бадан?

Қани ким айлади ёш жонингта қасд,
Ё қасамхўрлик ўз имонингта қасд?»

Хайр деди: «Ҳолимга раҳм этиб фалак,
Юбордими сени, пари ё малак,

Менинг ишим ажаб ўюндири чувок,
Сўзлолмаймен бунинг қиссаси узоқ.

Ташналиқдан ўлдим сувинг борми сув,
Додимга етсангчи осмоний сулув.

Сув бўлмаса ўлдим, кетавер чаққон,
Бир катра топилса менга киргиз жон».

Нушлаб соқий бўлди қалити нажот,
Сув берди сув эмас нақ оби ҳаёт.

Багри куйган ташна сипкорди сувни,
Шарбат ичган каби алқаб сулувни.

Қайтадан тирилди пажмурда жони,
Шодликдан пирпирадар кўз чироғдони.

Ўйилган кўзларнинг иккисин олиб,
Авайлаб қўйдилар жойига солиб.

Оқи тилинганди қорачиг бутун,
Зора битиб кетса, битмасин нечун?

Кўз ёғларин териб жойлаб қўйдилар,
Тоза латта билан бойлаб қўйдилар.

Оёқларида ҳам сезди куч-кувват,
Жойидан турмоққа сезилди хожат.

**Жойидан тургазди қўл бериб қўлга,
Раҳнамолик қилиб бошлади йўлга.**

**Шул алфозда босиб ул қири ўрни,
Чодирига бошлаб келтирди кўрни.**

**Бир қули бор эди ҳар ишда сирдош,
Ушанга топширди кўрни қаламқош.**

**Деди: «Азоб бермай оҳиста ровон,
Менинг эшигимга етказгил осон.»**

**Ўзи чопиб кетди она ёнига,
Барин бир-бир этди онажонига.**

**«Қолдириб кетдингми, деди онаси,
Эрди бирга олиб келиш хонаси.**

**Керак эди унга изламоқ чора,
Чорасиз қолмасин йигит бечора».**

**Олиб келдим жони гар бўлса омон,
Ҳозир келиб қолар кўзим нигорон.**

**Уни уйга бошлаб кетган хизматкор,
Ётоққа етказди кўрни беозор.**

**Дастурхон ёздилар, бердилар кабоб,
Шўрва ичирдилар сўнгра босди хоб.**

**Мадорсиз бечора тўйиб ош сувга,
Бир луқма овқат еб кетди уйқуга.**

**Курд сахродан уйга қўйганди қадам,
Бир оз озиқланиб, олмоқ учун дам.**

**Одатдан ташқари бир ҳолни кўрди,
Сафроси қайнади бу фолни кўрди.**

**Кўрди беҳуш ётар ҳолсиз бечора,
Ярадор офтода қалби садпора.**

**Деди: «Қайдан келди бу мажруҳ инсон,
Нимадан бўлибди бундай нотавон?»**

**Меҳмон бошидан не кечканин аввал,
Билмас эди ҳеч ким тўлиқ мукаммал.**

**Айтдилар кўзлари ўйилганини,
Қайтадан жойига қўйилганини.**

**Курд кўрди бечора жигари пора
Кўздан ажраб ёруқ дунёси қора.**

**Деди: «Бир дараҳт бор барглари анво,
Ўшандан кўзига бўлмасми даво.**

**Баргларини туйиб сиқиб сувини,
Бемор кўзларига томизсак шуни,**

**Бу малҳамдан кетар кўзин иллати,
Қайта зиё олар кўриш олати.**

**Кўзлари яраси қаттиқдир аммо,
Ул дараҳт баргидан топгайлар даво.**

**Сўнгра айтди дараҳт ўсганин қайда,
Деди: «Худди бизлар сув олар жойда.**

**Ўсиб яшиаб тураг бир эски дараҳт,
Соясида тарқар ҳар қандай карахт**

**Икки тана чиққан битта илдиздан,
Иккиси мисоли иккита елкан.**

**Бир шоҳининг барги ҳурлар либоси
Кўзи сўқирларнинг шудир давоси.**

**Иккинчи шоҳ барги нақ оби ҳаёт,
Туткалоқ касалга беради нажот».**

**Курд қизи эшитиб отаси сўзин,
Туриб излаб кетди шул даво изин.**

**Отасидан қилиб зору илтимос,
Ул дараҳт барига қилди кўп ихлос.**

**Курд ота ҳам кўриб қизи зорини,
Кетди излаб дараҳт — халоскорини.**

**Бир ҳовуч барг юлиб олди дараҳтдан
Беморга худди шу нушдору экан.**

**Олиб келди, кўриб турди нозанин
Ҳованчада роса туйди баргларин.**

**Лойқасин қолдирмай тинитиб олди,
Тиник сувни хаста кўзига солди.**

**Дори ва дийдани боғлади маҳкам,
Бемор оғриқ тортди, кўрсатиб чидам.**

**Сўнг бир оз тинчигач, ухлади ором,
Олдидан кетмайин тураг гуландом.**

**Беш кунгача шундай боғланиб турди,
Ўшал дараҳт барги сувини суртди.**

**Бешинчи кун келгач, этдилар халос,
Кўзлари очилди мисоли чарос.**

**Қандай ўткир бўлса икки кўз аввал,
Яна худди шундай кўтар мукаммал.**

**Бемор йигит кўзи мисоли чўлпон
Тонг чоги очилган тар наргис симон.**

**Жувозкаш отидек бойлиқ кўз эди,
Энди ташаккурга юзлаб сўз деди.**

**Хонадон аҳли ҳам ором топдилар,
Кўнгил очдилару юзни ёпдилар.**

**Унинг билан азоб чекиб бағоят,
Курд қизи қўйганди унга муҳаббат.**

**Сарв қомат наргиси очилган замон,
Қиз қалби очилган эди бегумон.**

**Ишқ қўйиб қолганди бул паризода,
Ҳусни чараклагач, сарви озода.**

**Хайр ҳам кўриб кўп лутф ила эҳсон,
Мехрибонлик кўриб бўлди меҳрибон.**

**Юзларин кўрмаган бўлса ҳам тамом,
Кўрган эди нечук айлагай хиром,**

**Ширин сўзларинин эшитганди хўп,
Лутфу эҳсонини сезган эди қўп.**

**Кўзи боғланганди ҳам ўшал дилбанд,
Кўнглин овлаганди этиб дил пайванд.**

**Хайр турар эрди эрта тонг саҳар,
Курднинг хизматига боғлабон камар.**

**Тевабонлик қиласар, молдорлик қиласар,
Барини асрарда ҳушёрлик қиласар.**

**Бўридан сақларди қўйларни омон,
Барча молу ҳолга яхши посибон.**

**Саҳройи курд ундан ҳаловат топиб,
Хизмат қимматидан қаноат топиб.**

**Муҳаббат-ла азиз надим айлади,
Барча рўзгорига ҳоким айлади.**

**Хайр оиланинг бўлгач пархиши,
Унинг қиссасига қизиқар киши.**

**Сўрашармиш бошга тушмиш не ситам,
Кимдан етишганин бу қайгу алам.**

**Хайр эса Шарр ишин қилмайин ниҳон
Айтар эди майли яхшими ёмон.**

**Биёбон куйдирган ўт-отапидан,
Қултум сувга берган лаъли тошидан.**

**Кўзлари гавҳарин ўйиб олганин,
Икки гавҳарни ҳам ёнга солганин.**

**Яна биёбонда ташлаб кеттанин,
Күёш жигарини кабоб этганин.**

**Қиссани тинглаб курд ҳайратдан толди,
Хайр ҳузурида бош эгиб қолди.**

Деди шундай қаттол ажал бўрони,
Ҳуружидан омон қолмиш ёш жони.

Аёллар ҳам тинглаб бумалак симо
Бошига не бало солмиш рўдано.

Хайрнинг номидан билиб олдилар,
Уни жондан ортиқ қолдилар.

Қиз жойига қўйиб унинг иззатин,
Хеч кимга ишонмас унинг хизматин.

Парвариши қиласи пардада юзи,
Унга сув берарди ўтиб ўзи.

Хайр ҳам топширди унга жону дил,
Жон ато қилгандан узолмас кўнгил.

Ҳар саҳар, ҳар нафас уни ёд этар,
Молин боқиб чўлда дилин шод этар.

Ўйларди: «Мумкинми нозанин дилбанд,
Мендек бечорага этса дил пайванд.

Шундай қизки етук жамолу камол,
Кўлга олиб бўлмас бе хазина, мол.

Мен гадолик билан ионини ейман,
Нечук қардошликка мени ол дейман.

Яхшиси хатарли бе суд савдодан
Бош олиб кетайин бундай ғавғодан.»

Бир ҳафта вақт ўтиб кетди орадан,
Кечин ҳориб қайтди уйга саҳродан.

**Нозанин ғамидан дилида бало,
Гүё газна узра ўтирган гадо.**

**Гўёки, ташнаю наздида булоқ,
Аввалгидан бадтар энди ташнароқ.**

**Шул кеча дилидан кетмади ул ой
Кўз ёшидан қилди андомини лой.**

**Хайр деди Курдга: «Эй гарибнавоз,
Беноволар дилин овлашда мумтоз,**

**Зимистон юзимга сен чўлпон бердинг,
Ўлган эдим қайта дилу жон бердинг.**

**Парваришлаб бердинг менга ошу ион,
Нозу неъмат тўла ёздинг дастурхон.**

**Пешонамда сенинг меҳринг изи бор,
Адо этиб бўлмас шукримни зинхор.**

**Неча истасалар тану жонимдан,
Ташаккурим бўйи келур қонимдан...**

**Бундан ортиқ меҳмон бўлиб қолсам гар,
Ору намусимдан тешилур жигар.**

**Меҳмондўстлигингта топилмас қиёс,
Миннатдорчиликдир дилда эҳтирос.**

**Худо кўрсатмаса бирор мўъжиза
Нечук қарзин узар мендек ожиз, а?**

**Сизлардан жудолик дилга солар ғам,
Менга рухсат бергил шундай бўлса ҳам.**

Кўп замонлар ўтди тукқан ўлкамдан,
Ажраб қолдим бало босиб елкамдан.

Эрта аzon туриб ўз уйим томон,
Шукроналар билан йўл олсам омон.

Узокда қолса ҳам қучогинг поки
Кўзимга тўтиё остананг хоки.

Иўл узоқ бўлса ҳам, эй кўз нурим, бил,
Сизлар билан бирга бўлур доим дил.

Ҳимматим қанотим очиб бер ўзинг,
Рози бўл, кўп ичдим мен ошу тузинг.»

Хайрнинг сўzlари тугамасданоқ,
Курднинг хонасига урганди чақмоқ,

Курд ўрнидан турар гирёну нолон,
Ўнгу сўлдан келар нола-ю фигон.

Курду унинг қизин ногоҳ босди ғам,
Миялар қоқ бўлди кўзларида нам.

Еш тўкиб бошларин қуий солишиди,
Е ортиқча сувдан бўшаб олишиди.

Курд деди бизларни қолдиринг холи,
Чиқиб кетди аёл, қизу қароли.

Сўнг Хайрга деди: «Эй ҳушёр йигит,
Ақиллигу зийрак, дилафкор йигит.

Ўз шахринг йўлига тушсанг яна ҳам,
Бирор ҳамроҳингдан чекмагил ситам.

Бунда нозу неъмат, истаган тилак,
Бор яхши ёмоним сеники демак.

Яхши киши жилав бермас тубангага,
Дўстини колдириб кетмас душманга.

Биргина қизим бор соҳиб жамолим,
Ҳеч кимсам йўқ, беҳад давлату молим.

Қизим кўп меҳнаткаш, меҳрибон, санам
Инсофдан бўлмайди яхши демасам.

Кийик нафасида мушк эрур ниҳон,
Лекин бўйи ошкор муаттар жаҳон,

Биз ва қизимиизга дилинг этсанг банд,
Бўлур эдинг бизга энг азиз фарзанд.

Агарда қизимга жиндак меҳринг бор,
Куёв қилмоқликни этай ихтиёр.

Тева-от, қўй-қўзи, ўтлоқ зироат,
Баридан берайин, этай бадавлат.

Умрим тугагунча қилсангиз иззат
Кўриб юрай сиздан хузру ҳаловат.»

Хайр бу сўзларга қулоқ солиб жим,
Яхши сўзлар учун айлади таъзим.

Ширин сухбат қуриб кетди уйқуга,
Жой қолмаган эди дилда қайғуга.

Миршаб камар ечди, тонг ёқди чироқ,
Қушлар чуғури ҳам мисли қўнгироқ.

**Муборак толега хар ёги тўлик,
Тахтига йўл олгач султони машриқ.**

**Курд турди уйқудан хушдилу хуррам,
Никоҳ тараддудин бошлади шул дам.**

**Пайвандлик аслида асл никоҳ бор,
Авлод дараҳтида никоҳ хосилдор.**

**Хайрга ул чаман орони берди,
Аторудсифатга Зухрони берди.**

**Ташнилиқдан ўлган ҳаётин топди,
Қуёш нури равшан сочилди чопди.**

**Шакарлабдан ташна сипқарди, шарбат,
Жаннату кавсадан зиёда лаззат.**

**Аввалида ёри сув ва нон берди,
Охир оби ҳаёт берди, жон берди.**

**Ҳеч нарсадан камлик кўрмай фаровон,
Боҳам яшадилар узоқ бир замон.**

**Ўтган ишларни ҳам ёд этардилар,
Топганини еб, дилни шод этардилар.**

**Токи курднинг умри охирга етди,
Молин азизларга қолдириб кетди.**

**Молу мулку чорво давлат бе миқёс,
Ҳаммаси Хайрга қолганди мерос.**

* * *

Орадан бир қанча воқеалар ўтиб Хайр,
Ўз юртига подио бўлади ва бир куни боғ
сайлига чиқади:

Дилафрузи билан айламоққа сайр,
Боғ сайлига бир кун чиқкан эди Хайр.

Қаршисидан ногоҳ Шарр чиқиб қолди,
Дилидаги сири ўз бошин олди.

Хайр деди: «Майли кетимдан борсин,
Боққа кириб диди дардини ёрсин».

Хайр боққа кириб ўлтирас шодон,
Соқчиси қўлида қиличу қалқон.

Шарр ҳам кириб келди қувноқ ва шодон
Ер ўпди Хайрни танимай нодон.

Хайр унга деди: »Номинг нима айт?
Мотаминг кўп яқин коминг нима айт?

Дер: «Сафардан хабар берувчи номим,
Ҳар ҳунардан мужда етказмоқ комим».

Хайр яна деди: «Нима ўз исминг,
Қонинг билан ювгил гунаҳкор жисминг».

Деди: «Менда йўқдир бундан бошқа ном,
Хоҳ менга тиф солгил, хоҳи тутгил жом.

Деди: «Харомзода бедаво олчоқ,
Барчага ҳалолдир қонингни тўқмоқ.

Хулқинг пастлигидан исеминг эрир Шарр,
Сират-табиатинг номингдан бадтар.

Бир ташна кўзини қултум сув учун,
Минг кийноқ-ла ўйган сенмасми, малъун.

Ундан ҳам ёмони иссиқ офтобда,
Сув бермай қолдириб кетдинг азобда.

Кўзи гавҳарию, белбоқ гавҳарин,
Олиб кетдинг вайрон этиб жигарин.

Гавҳардин ажраган ўшал ташна ман,
Менинг бахтим тириқ, сеники ўлган».

Хайр юзига боқиб таниб қолди Шарр,
Ўзин ерга уриб деди яғмогар;

«Зинхор мен ёмонлиқ қилган бўлсам ҳам,
Хато қилдим менга кўреатгил карам.

Нима қилган бўлсам номимга лойик,
Исму жисмим шундай билар халойик.

Сен ҳам ўз исмингга қараб тутгил иш
Номинг Хайр, лозим яхшилиқ қилиш».

Бу нуктадан Хайр кўнгли кўп обод,
Хийлагарни этди ўлимдан озод.

Бир қошиқ ярамас қонидан ўтди,
Шарр эса шодликдан ўйноқлаб кетди.

Соқчи қувиб этиб, қиличин солди,
Бир ҳамлада бошин шарт узиб олди.

Деди: «Хайр иши яхшилик, аммо,
Сендек ёмон йўлда бўлмасин бало».

Белбогидан икки гавҳарни топди,
Олиб тўғри Хайр олдига чопди.

Уларни Хайрга топшириб деяр:
«Яхшидир гавҳарга қўшилса гавҳар».

БАҲРОМНИНГ ЧИН ХОҚОНИ ЛАШКАР ТОРТГАНИДАН ХАБАР ТОПГАНИ

Хафтгумбаз қасрида ўлтирас Баҳром,
Созанда, хонанда айш этар давом.

Чопар кириб кўрди шоҳ ичар бегам,
Жаннат боғларидек ҳамма ёқ ҳуррам.

Шоҳга сано айтиб узундан узок,
Таъзимга эгилиб ўпиб ер-тупроқ.

Деди: «Яна ўшал Чин тупроғидан,
Лашкар қайнаб чиқди сўлу соғидан.

Фоғфур бузуб подшоҳ ила аҳдини,
Қасамхўр қопқаро қилур баҳтини.

Тиғларидан пастда осимон авжи,
Жайхунгача етмиш найзалар мавжи.

Тиғлари ҳам гўё осмон устуни,
Жайхунгача етмиш улар тўлқини.

Подшо этса агар базмини давом,
Қонимизни Хитой ичар жому-жом».

**Шоҳ эшитиб деди: «Фитна давоси.
Фақат биргинадир — уруш балоси.**

**Тузоқ тушмай туриб бошига бир йўл,
Майдан этак йигди, жомдан тортди қўл.**

**Душман оёғини қилмоқ осмондан,
Фикрига тушди у чиқса армондан.**

**Хазина сипоҳда кўрди у паноҳ,
Ғалаба калиди — хазина сипоҳ**

**Сипоҳин чорлади йигилмас лашкар,
Хазинасин очди йўқ зару гавҳар.**

**Хазинаси бўм-буш чиқди очганда,
Аслаҳа ҳам, лашкар ҳам пароканда.**

**Ожиз қолди мисли шери бедандон,
Тавқу занжир ҳарён мамлакат зиндон.**

**Бор эди вазири худо бехабар.
На худо ваҳми на виждандан асар.**

**Узи хоҳлаб номин қўйимиш Ростравшан,
Унинг иши на рост эди на равшан.**

**Равшану ростлиги келтирап қайгу,
Ростлиги эгри-ю равшан — қоронгу.**

**Яхши номи билан шоҳни жалб этган,
Аммо яхши номдан у узоқ кетган.**

**Шоҳ вазири аввал эрди Нарсий пок,
Инсоф-ла идора этилди амлок.**

Вазирликни ундан Ростравшан олди,
Ростлигу равшанлик юришмай қолди.

Шоҳ бўлганда базму шароб машғули,
Узайб кетганди нопокнинг қўли.

Ноҳақлик кучайди, ҳақ топди завол,
Мулкни элак-элак қилиб йиғди мол.

Шоҳ ноиби зебу зар ишга солиб,
Фитнани қўллади авж олди фириб.

Дер: «Халқ кўп нарсани этади талаб,
Шўҳу юзсиз бўлди жуда беодоб.

Халқ кўрмасин деймиз очлигу йўқлик,
Аммо юмушлари тўқликка шўхлик.

Агар келтирмасак уларни хушга
Бошлишар мулкни ҳам торож қилишга.

Одамлари ёмон, бари паст жавҳар,
Юсуфлари бўри итдан ҳам бадтар.

Бўрини бўридек банд этмоқ керак,
Токай ўйнатишар бизни жонсарак.

Хокийлардан кутма бирор сўз яхши
Суратлари одам ўзлари вахший.

Вахшийлар вафони назарга илмас,
Қиличсиз ҳукмни вожиб деб билмас.

Моллари ховзда сув каби бироқ,
Сасийди ховзда сув турса узоқ.

Тупроқдан агарда лойқаланар сув,
Тупроқ ютса яна тиниб чиқар у.

Шоҳ агар маст бўлса, душмани ҳушёр,
Миршаб гар уйқуда ўғриси бедор.

Шоҳ ёдидан чиқса сиёсат тамом,
Подишаҳлик унга бўлади харом.

Шоҳ агар сиёсат уругин сочар,
Душману аҳраман баробар қочар.

Аҳраман деганим — сурбет раият,
Юзимизга аёқ қўярди албат.

Шундай қаттиқ бўлсин зик сиёсатинг,
Уидан ривож топсин нақ раёсатинг.

Фириб ема ошино бўлса кас-нокас,
Ўз одаминг билу, тифинг билгил бас.

Шоҳ менга ишониб, бодадан хуррам,
Сенинг кўнглингда тиг, меники қалам.

Сендан қаҳр келур менданчи тадбир,
Ол деганим зиндан қиласвер ахир.

Бадавлатни давлат билан эт икром,
Дирамсизни қонин тўжиб, этгил ром.

Яхши ёмон қони сен учун ҳалол,
Емондан жон олгил, яхшилардан мол.

Халқни тобе айла мол, амал билан,
Шунда сени азиз айлар жонидан.

**Раияти агар забун хор бўлур,
Шу давлат пайваста барқарор бўлур».**

**Шоҳ вазири шундай қилиб сармаслиқ,
Халқни жабрлашда қилди ҳамдастлик.**

**У кўрсатган йўлдан бориб подишло
Ўз раиятига қилди кўп жафо.**

**Шоҳ ҳеч кимни одам санамай кўйди,
Жафо хаддан ошди халқ жондан тўйди.**

**Тушди ситамкорлик пойига ўбдон,
Одамлар зиндоңда, хоналар вайрон.**

**Шаҳар ва қишлоқда нафрату алам,
Гаплари «тутилди», «қамалди» ҳар дам.**

**Охир мамлакатда кўп ўтмай дарҳол,
Кишиларда на мулк ва на қолди мол.**

**Барчасин Ростравшан босиб кўзига,
Росту равшан босиб олди ўзига.**

**Үлкада ҳеч кимда қолмади гавҳар,
Канизу ғулому молу мулку зар.**

**Босмачи дастидан уйи бўлса ким
Үйини бошқага ташлаб кетар жим.**

**Аранг жон сақлашиб шаҳарлик лашкар
Тоғма-тоғ юришар эди дарбадар.**

**Үйдан ташқарида на мол на шудгор,
На уйнинг ичидаги бирор нарса бор.**

**Вилоят хоробу ҳаммаёқ бўйм бўш,
Шоҳ ҳазинасида ундан баттар иш.**

**Фақат вазирда бор эди уй ва ганж,
Бошқанинг бойлиги фақат дарду ранж.**

**Шоҳни кутар эди жанг майдони, жанг,
На зар, на лашкар бор, ҳоли эди танг.**

**Баҳром хабарчилар чорлаб бирма-бир,
Деди: «Харобалик нимадан, гапир.**

**Оlamсўз вазирдан қўрқиб ҳеч киши,
Кундуз сўзламасди тун бўлган ишин.**

**Ҳар биттаси топиб бирорла ёлғон,
Подшодан қутилиб кетишиди осон.**

БАҲРОМНИНГ ЧЎПОН ИШИДАН ИБРАТ ОЛГАНИ

**Иш хароблигидан дилтанг шаҳриёр,
Бир ўзи от миниб қиласди шикор.**

**Кўп овларни овлаб бўларди шодмон,
Сўнг от суриб кетар эди уй томон.**

**Букун жилов тутди ғамгин хаёлот,
Яна овлик томон қўйиб кетди от.**

**Қулонларни отар, ташлар арқонин,
Қулон қони зора ювса дил қонин.**

**Истаганча қилиб қулонларни ов,
Андуҳни занжирлаб, ғамга қўйди ғов.**

**Овлаб қанча шеру палангут қулон,
Энди отин бурмоқ бўлди уй томон.**

**От чопиб ўқ отиб қизиб жуда ҳам,
Димоғ куйган, лабда қолмаганди нам,**

**Ҳар ёқни айланиб топмай қатра сув,
Ташналиги ортиб, ҳар ён чопди у.**

**Тутун кўрди қаро аждаҳо илон,
Сингари чирмасиб чиқар ой томон.**

**Оловдан чиқса ҳам тутун, деди — у,
Олов ёқсанлардан топилади сув!»**

**Тутун томон юриб бир неча одим,
Ўтов кўрди баланд ёнида ходим.**

**Атрофда кўринар қўйлар галаси,
Офтобда яйрашиб ётар ҳаммаси.**

**Чўнг дараҳт шохида бир ит осилган,
Оёқ-кўли боғлиқ тошдек қаттиқ тан.**

**Ўтов томон отин суриб борди шоҳ,
Бир қария кўрди меҳрибон, огоҳ.**

**Қария меҳмонни кўриб мисли ел,
Учиб келди, боғлаб хизматига бел,**

**Аввал пешво чиқиб салом айлади,
Отдан олиб, иззат икром айлади.**

**Нимайики бўлса уйида ҳозир,
Барчасини қўйиб сийлади бир-бир.**

Деди: «Узрим бор бу ҳақир дастурхон,
Сенингдек меҳмонга арзимас чандон.

Аммо бу ер, обод жойлардан узок,
Дастурхон шундан бўш, эй азиз қўнок».

Бир коса сув-шарбат ичиб подишио,
Чўпон нонига қўл урмади асло.

Деди: «Саволим бор, бермасанг жавоб,
Нонга қўл чўзмасман, эй олижаноб.

Нечун бу кучукни осдинг бу ерга,
Бўри жазосини берибсан шерга?»

«Эй зебо юз меҳмон, — деди қария,
Воқеани сўзлай баҳяма-баҳя.

Бу ит қўйларимга эрди посибон,
Ўз ишимни унга топширдим осон.

Омонатга қилмас эрди хиёнат,
Шундан мамнун эдим, қилмай назорат,

Неча йил қўйларни асраб келди у,
Ўгридан, бўридан сақлаб елди у.

Мен унга хонамдан бериб ошиён,
Ит демасдим уни, дер эдим чўпон,

Тиши, чангалидан ёв дили пора,
Менинг темир қўлим эди як бора.

Мен агар саҳродан шаҳарга кетсам,
Қўйлар қолар эди ўшанга қарам.

**Мен шаҳарда қолиб кетсам иш билан,
Қўйларимни қамаб, ёпарди қўтсан.**

**Неча йиллар шундай посбонлик қилди,
Ҳалол хизмат, балогардонлик қилди.**

**Бир куни қўйларни санаган онда,
Хисобда кам чиқди, етмади сонда.**

**Кам чиқди етти бош қўйим ва кўзим,
Хисобдан янглишган бўлсамми ўзим.**

**Бир ҳафта ўтказиб санадим яна,
Кам чиқди бир нима демадим яна.**

**Ўзни тийиб аста қарай бошладим,
Ишончим қўйлагин йиртиб ташладим.**

**Кечалар ухламай чиқдим жонсарак,
Ўгри ё бўридан топмадим дарак,**

**Ит эса огоҳроқ эди юз чандон,
Мендан минг мартаға зийракроқ посбон.**

**Яна санаб қўрдим қўйни яхшироқ,
Ул яна кам чиқди, дедим «яхши боқ!»**

**Тун бўйи дилимга босиб келди гам,
Ҳар санаганимда қўй чиқарди кам.**

**Бешта, ўнтадан кам кўрсатар ҳисоб,
Мисли қор эрирди чиққанда офтоб.**

**Садақага лойиқ қолди охири,
Дилим закот ваҳми олди охири.**

Энди мен сурув қўй эгаси эмас,
Энди мен бир оддий чўпон эдим бас.

Бу алам дилимни ўртаб бе аёв,
Умрим баҳорига тушурди қиров.

Дедим: «Бу йўқотиш қай бир ёв иши,
Унинг дастёри қани, қай кипши?

Бу кучукка қани ким бас келолди,
Қайси вахший бунга шерик бўлолди?»

Бир кун сув бўйида ухлаб ётардим,
Уйғондим. Кўз очмай ўйлаб ётардим.

Оёқ-қўлим ҳолсиз чўзилиб ётдим,
Бошим чўпда ўзим таёқдек қотдим.

Узоқдан келарди бир мода бўри,
Итга яқинлашди, қуриди шўри.

Кучукни чорлади аста акиллаб,
Ит югириб келди, думи ликиллаб,

Гиргиттони бўлди думини хидлаб,
Гоҳ бурун хидлашар, гоҳ ялаб юлқаб...

Ит бўшашиб ётар, бе ору бе ҳол,
Қимирлашга йўқдек посбонда мажол.

Бўри эса аввал унинг порасин бериб,
Сўнг қўтанга кирди охиста елиб.

Сурувда бор эди бир семиз кўчқор,
Фақат думбасида бир қўй юки бор.

**Шуни чавақлади қўққисдан қонхўр,
Пора олиб ётар жимгина ионкўр,**

**Уни афв этдим неча неча бор,
Ул хато қилди мен шошмадим зинҳор.**

**Охир уни тутдим мен бўри билан,
Бу чўнг хиёнатда ўз жўри билан.**

**Зиндон қилиб, бердим унга кўп азоб,
Қилмишига ўзи берсин-да жавоб.**

**Кучугим бўрига раҳнамо бўлмиш,
Қўйларим бошига бир бало бўлмиш.**

**Оманатга қилиб хиёнат сотқин,
Соқчимиз охири бўлибди хоин.**

**То ўлгунча шундай осилиб ётсин,
Ақл фармони шу, ақлга таҳсин.**

**Ким жинояткорнинг бермас таъзирин,
Ҳеч бир кимса унга демас офарин».**

**Бу сўзларни тинглаб Баҳром шоҳ чандон,
Ибрат олган эди дилида пинҳон.**

**Бу гапларга рамзий берди-ю маъно,
От қўйиб шаҳарга кетди подишо.**

**Ўз-ўзича деди: «Бу кекса бургут,
Сўзлари беради подшога ўгут.**

**Одамийлигимни қиласай намоён,
Раяитим сурув мен эсам чўпон.**

Вазир омонатим топширган соқчим,
Сурув, қўтанларга қўйган пойлоқчим.

Емрила бошласа асосидан иш,
Лозимдир соқчидан иш суриштириш.

Қани айтсин бунинг сабаби қани,
Хароблик бунёди кимнинг қилгани?»

Шаҳарга келганда йигилди акраб,
Маҳбуслар дафтарин айлади талаб.

Дафтарга қанчалик ташласа нигоҳ,
Кўнгли вайрон бўлар эрди, дил сиёҳ.

Кўрдиким саргашта бир олам одам,
Бегуноҳлар бунда бўлмиш муттаҳам.

Шарҳларда ёзилмиш беибо бўҳтон
«Афв этмоқ вазирдан, қатл этар султон».

Шоҳ номини золим қилиб хўп булғаб,
Ўз номин яхшилаб, чандон улуғлаб.

Шоҳ тушунди унинг туриш турмушин,
Хонадон ўғрисин қилган ҳар ишин.

Сурувни бўрига топширган итдек,
Душманларга юртим топширмоқчи тек.

Зиндонга солмоқни кўрганди мақбул,
Ўн кун қамоқ ичра ётсин, деди ул.

Агар мансабида қолдирсам балким,
Журъат қилиб, нолиб келолмас ҳеч ким.

Еруг кундузни тун қиласай аввало,
Нур намоён бўлар тун бўлса қаро.

БАХРОМНИНГ СИТАМКОР ВАЗИРИИ ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТГАНИ

Кечаки кигизини йигиб кетган чоғ,
Еришганида субҳ нурдан боғу роғ,

Сом тигидек қўёш кўрсатиб зўрин
Ой юзини тирнаб сўндириди нурин.

Бахром қурди очиқ майдонга чодир,
Катта-кичик халқни чорлади бир-бир.

Барча келди халққа тўлди ҳар тараф,
Ҳар ким ўз жойини топиб чекди сағ.

Ростравшан ҳам чиқди бузмайин пинак,
Юзизларча тураг эгилмай андак.

Шоҳ унга тикилди кўзларда газаб,
Бақирди жойида ўлдирмоқ матлаб.

«Эй мамлакатимни айлаган хароб,
Мулки равнақига чанг солган қаллоб.

Хазинанг тўлдириб гавҳару зарга,
Хазинам сочиб, зор этдинг гавҳарга.

Сипоҳ бору йўғин талаб олибсан,
Уни ҳам йўқлиққа, бандга солибсан.

Раият уйини тортиб олибсан,
Ҳар ким қонин тўкмоқ хирсин этиб фан.

**Раиятдан олмай қонуний хирож,
Гоҳ камарин талаб этибсан, гоҳ тож.**

**Сендан юртга не наф тегди Ростравшан?
Рослик гум, равшанлик кийибди кафан.**

**Зулмингдан вайрондир хазина, лашкар,
На хазина бутун қолмиш, на аскар».**

**Бу гаплардан бўлиб юз тоқи лаънат,
Тушаверди вазир бўйнига қат-қат.**

**Сўнг олиб кетинг деб этилди фармон,
Жаннатдан дўзаҳга этишди осон.**

**Ўз салласини ечиб этишди каманд
Кўлу оёгини маҳкам этиб банд.**

**Оёғида кунда, қўлида занжир,
Чўкди бойлоқ тужаҳида вазир.**

**Золимнинг бошига тушганида зулм,
Жарчилар йўллади эшитсин ҳар ким.**

**«Вазир дастидан ким истар адолат,
Подишо қабулига келсин шул соат!»**

**Жарчи жўрин тинглаб аскар, аламон,
Барча йўлга тушди подишло томон.**

**Зиндонийларга ҳам шоҳ этди фармон,
Сўзласин ҳар кимнинг бағри дили қон.**

**Айтсин нима «гуноҳ» қўймиш ул палид,
Киссасидан топсин бандига калид.**

Зиндон бандиларин айлади озод,
Уларнинг саноги мингдан ҳам зиёд.

Улардан еттисин таилаб олиб шоҳ,
Аҳволларни сўраб, деди: «Не гуноҳ,

Не айб қўйди сўзланг кўрқувдан озод,
Ўзингиз қай юртдан, аждоду авлод?»

БИРИНЧИ МАЗЛУМ ШИКОЯТИ

Баҳромга сўзлади аввалин мазлум:
«Душманинг душманга бўлсин бир ютум.

Ростравшан акамнинг бошига бало
Бўлиб, қийнаб қилди жонидан жудо.

Үй-жой от-уловин барини олди,
Ўзини қийноқ-ла зиндонга солди.

Эшитган ачинар эди ёш жонга,
Ғазаби қайнарди ул зўравонга.

Чидолмадим, менда қўзғалди нафрат
Мени ҳам қаматти, шудир жиноят.

Деди: «аканг эди ёвга хайрихоҳ
Сен ҳам шул экансан, унга бўл ҳамроҳ».

Кўл остидагилар келиб қаро тун,
Хонавайрон қилиб кетишди бутун.

Зўрлаб оёғимга урдилар кишан,
Қоронғи гўр бўлди мен ўсган чаман.

Қийноққа чидолмай жон берди акам,
Оёқ қўлсиз ўлим олдида мен ҳам».

Шундай деб сўзларин тугатди мазлум,
Шоҳга бўлди вазир кирдори маълум.

Вазир зўрлик билан олган ҳар бир шай,
Қайтариб берилди битта қолдирмай.

Акаси хунин ҳам бериб баҳосин
Озод этди, қилиб юрак давосин.

ИККИНЧИ МАЗЛУМ ШИКОЯТИ.

Иккинчиси ўпид ер, дуо қиласар,
Ва дерки эй шоҳ, раиятпарвар

Бир боғим бор эди, ажойиб чорбог,
Боргандা хотиржам мисоли чароғ.

Жаннатдан ўтарди сафо фарохи,
Мевадан эгилган дараҳтлар шохи.

Кексалик чоғимни этмиш навбаҳор,
Отамдан қолганди менга шу ёдгор.

Бир куни дод солиб ҳушнуд чоғимга,
Золим кириб келди ўшал боғимга.

Сийладим шаробу мевалар билан,
Хизматини бажо айладим дилдан.

Нимайики бўлса уйда ва боғда,
Шукрила олдига қўйдим ул чоғда.

Еди, ичди ўйнаб кулиб олди дам,
Хоҳлаганча ичди шароблардан ҳам.

**Бир муддат бօг кезиб, беадабона,
Деди: «Бօг ишқида бўлдим девона.**

**Қанча олсанг менга сотгил бօғингни,
Мен равшан этайин дил чироғингни».**

**Дедим: «Нечук сотай бу менинг жоним,
Отамдан ёдгорлик, шодлик маконим.**

**Ҳисоб этки бу бօг сеники мудом,
Мен бօғбонинг бўлай, ё содик ғулом.**

**Қачон кўнглинг истар шунда келиб тур,
Мева еб, салқинда шароб ичиб юр».**

**Қачон кўнглинг истар бу ерга шитоб,
Айлаб сув бўйида ичавер шароб.**

**Деди: «Бу гапни қўй топма баҳона,
Бօғинг соту йўлга бўлгил равона!»**

**Жанжакал авжга минди, кўп низо солди,
Бօғим зўрлик билан мендан тортволди.**

**Оқибат адоват чулғади бошин,
Тухматла оқизди қўзларим ёшин.**

**Менга тухмат ила тақаб жиноят,
Мени гадо қилди, уйимни горат.**

**Бу зулмлар шоҳга етмасин учун,
Яна у кўрсатиб золимлик кучин.**

**Мени зиндан қилди солди қийноққа,
Икки йилда аранг етдим шу чокқа».**

**Шоҳ унга боғ берди, айлади обод
Адолат уйини мисоли Бағдод.**

УЧИНЧИ МАЗЛУМ ШИКОЯТИ

**Учинчи мазлум дер: «Аё подишб,
Йўлларингни обод айласин худо,**

**Банда денгиз оша савдогар эдим,
Ризқи рўзим шундан мен топар эдим**

**Ҳар замон денгиздан олиб бориб мол,
Фойда кўтар эдим етганча мажол.**

**Марварид сирига тушундим анча,
Яхши ёмонини билиб бир қанча.**

**Марварид шодасин киритдим қўлга,
Кечалар чироқдек нур сочар йўлга.**

**Ўз шаҳримга етиб келдим кўп қувноқ,
Дурларим нуридан кўзим шам чироқ.**

**Дурлар маржонини сотмоқчи эдим,
Озуқ овқатимнинг ғамини едим.**

**Мамлакат вазири топибди хабар,
Менда борлигидан марварид-гавҳар.**

**Марваридларимни сотиб олди у,
Уялтириб арzon олди мисли сув.**

**Қачон ҳақин бермоқ вақти етушди,
У турли баҳона қилишга тушди.**

**Мен ҳақимни талаб эдим дард билан,
У баҳона топар қалбимга тикан.**

**Бир неча бор менга оқу қорадан,
Ваъда бериб, ўтди қўп вақт орадан.**

**Охирида мени чорлаб пинҳони,
Дилимни қон этиб, қилди зинданни.**

**Гуноҳкор қилишга топди баҳона,
Марварид баҳосин қилди ордона.**

**Мени юлиб олиб банд марвариддан
Бўйнимга банд солди, оёққа кишан.**

**У мендан қўлига киритди гавҳар,
Мен ундан олганим мушт, тепки залвар.**

**У дурни тожига тақиб мисли кун,
Мен садафдек зиндан ичида забун.**

**Бандга тушганимга уч йилча бўлди,
Шоҳ юзин кўриб дил умидга тўлди».**

**Шоҳ қайтариб олиб берди дурларин,
Яна қанча кетган бойлигу зарин.**

ТЎРТИНЧИ МАЗЛУМ ШИКОЯТИ

**Минг ёлвориш билан тўртинчи маҳбус,
Деди: «Сендан минг-минг рози эл-улус.**

**Мен бир созандаман ғариб, навқирон,
Барбат чалсам куйим нақ обиравон.**

Севгулим бор эди жоним офати,
Бутун Чинда фитна, хитой лувъбати.

Мехридан оларди ой ҳам ўз нурин,
Ҳусни қаршисида кундуз қаро тун.

Чиройи мисоли яшнаган баҳор,
Хона-ю боғ ундан оларди охор.

Зулф учи этакда, табассум лабда,
Қоматидан сарв дарс ўқир мактабда.

Мендан ўрганибу тараппуми соз,
Рақс этар дилфириб ҳамда руҳнавоз.

Иккимиз бир эдик, бир эди хона,
Суҳбатимиз қизиқ, шаму парвона.

Дилим равшан ундан нақ тунги чирог,
Ул ҳам мендан хандон нақ кўкламги бог.

Равшанлигу ростлик худди нуру шам,
Ростравшан келтириди бошимизга ғам.

Шамни олиб кетди ўз айвонига,
Ўт ташлаб парвона хонумонига.

Ошуфта ҳол бўлиб мен ундан жудо,
Васлини истадим олай деб жило.

Оёқ қўлим бандга солдирди вазир,
Девонани бандга солишар ахир.

Севгулим олиб, у ишрат ровоқда,
Мен эса зиндоңда ҳазор қийноқда.

Тўрт йил бўладики вазир ситамкор,
Мени зиндан қилиб хор айлади хор».

Келинчакка бериб сут пули зиёд,
Икковини банддағ айлади озод.

БЕШИНЧИ МАЗЛУМ ШИКОЯТИ

Бешинчи шахс жаҳон шоҳига салом
Бериб деди: «Фалак тахting узра том.

Мен сарҳадда фалон жойнинг амири,
Шоҳ хизматкоримен, қулларин бири,

Яздон берган эди шоҳ давлатидан,
Молу мулк ҳашами ҳам неъматидан.

Шоҳга умр тилаб қилиб ибодат,
Айлаган эдим мен шодликни одат.

Шаҳрим кўчалари покиза, хуррам,
Менга юз ўгириди аҳли дониш ҳам.

Ўлкам гуллаб яшиаб борар кундан-кун,
Ҳар кишининг ризқи ва noni бутун.

Фақиру дарвешга улашдим дирҳам,
Бева бечора тўқ, етим-есир ҳам.

Ким кўмак сўраса, шунга зар бердим,
Йиқилганинг қўлин тутиб, бар бердим.

Кимнинг бошига гар тушса ғам, кулфат,
Ердамга қўлимни чўзардим албат.

Деҳқончиликдан не берса зироат,
Меҳмонларга қилдим сарфу харажат.

Даромад буромад — тошу тарози,
Шундай эди, халқ шод, худо ҳам рози.

Вазир бу ишлардан топибон ҳабар,
Ноҳақлик қозонин қайнатди овсар,

Аввал мансабимдан айлади бекор,
Сўнг молу мулкимга қўл урди ғаддор.

Деди: «Бу бойликни топибсан ҳаром,
Хазинангдан эмас совга-ю салом.

Е кўра ёқасан иликсир ила,
Е топдингми бирор тагсиз хазина.

Менинг улушимни яхши қилиб қўй,
Ийқса бошинг кетар, яхши билиб қўй!»

Шундайин ноўрин баҳона билан,
Бор-йўғимни тортиб олди у мендан.

Охирида қилиб дилим дардманд,
Мен бандани этди оёқ-қўлин банд.

Беш йил бўладиким ушбу зиндонда,
Фарзанду уйимдан жудо армонда».

Юртига қайтарди подшо фармони,
Шоду хуррам ўтди даври-даврони.

ОЛТИНЧИ МАЗЛУМ ШИКОЯТИ

**Олтинчи маҳлумга гал келгани дам,
Мисоли мастликдан уйғонган одам,**

**Шоҳга нусрат тиляб айлади дуо,
Деди: «Эй халқ ризқи дилда муддао,**

**Мен битта курдзода аскарий киши,
Шундай бўлган менинг аждодим иши.**

**Банда ҳам сипоҳлар ичра бир сипоҳ,
Отам ҳам бўлганди ғуломи подшоҳ.**

**Бурда ионимизни берди бе миннат,
Аждод-авлодимга шоҳ валинеъмат.**

**Банда тинчлик ила ошаб ул ионни,
Шоҳнинг эшигида эрди посбони.**

**Чақиртирди мени жафокаш вазир
Жафо бирла олди еримни ахир.**

**Бола чақам очу, нимжон бир аёл,
Сен берган ер, ўзга йўқ эди мол-ҳол.**

**Неча бор ялиниб ёлвориб кўрдим,
Худо ҳаққи менга ёрдам қил дердим.**

**Адолат кўрсатиб, қолдир бир қисмин,
Аялманд кишиман жабр қилмагин.**

**Е нафақа бериб айла мурувват,
Туну кун этгандим девонга хизмат».**

Бақирди: «Нафасинг ўчиргил, дея
Найзанг ила ризқинг ҳосил қил дея.

Шоҳ қилмайди кимса ила адоват,
Урушсиз осуда яшайди давлат.

Эшигига яқин келмайди ғаним,
Бу лашкарга ҳожат йўқдир деганим.

Озуқа бўлмаса барингни очма,
Оту қуролинг сот, меҳнатдан қочма».

Дедим: «Девдек таъбинг, гавғодан уял,
Ожизлигимни кўр, худодан уял.

Менинг қашшоқлигим солма юзимга,
Ўзим қийноқдамен тушма изимга.

Тун бўйи ётасен сен ноз уйқуда,
Мен қўлимда қилич қийнок, қайгуда.

Сен мамлакат учун тебратсанг қалам,
Мен қилич кўтариб қўямен қадам.

Қаламингга аскар қонидир сиёҳ
Қиличим нишони муҳолифи шоҳ.

Шоҳ инъоми ерни бермасанг осон,
Узангисин тутуб истарман омон».

Бу сўзимдан кейин қизишиб кетди,
Мен бесаводга ул давотин отди.

Деди: «Эй билимсиз бедаво абллаҳ
Қўрқитмоқчи бўлиб, қиласан мазаҳ.

**Гоҳ ҳушомадгўйлик, ялтоқлик этдинг,
Гоҳ шоҳ номи билан мени қўрқитдинг.**

**Шоҳни тахтда тутган мен, эй, фуқаро,
Менинг хатим билан маълум оқ-қора.**

**Менинг оёқ остим подшолар боши,
Мен учун ишлайди юрт қари-ёши».**

**Шундай деб бошимга тушурди давот,
Қўлдан кетди қурол, аслаҳа-ю от.**

**Сўнг мени топширди қонхўр жаллодга,
Зиндонга ташлади қарамай додга.**

**Олти йил бўлдими ё ундан зиёд,
Жонимда ваҳима, дилимда фарёд».**

**Шоҳ унга кийдирди бош оёқ сарпо,
Кўп йиллар яшасин қарамли подшо.**

**Лутфидан лабларин хўп хандон этди,
Унга иқта ерин дучандон этди.**

ЕТТИНЧИ МАЗЛУМ ШИКОЯТИ

**Еттинчи мазлумга шоҳ сўз бахш этди,
Подшо мақтovига суҳан нақш этди.**

**Деди: «Мен дунёдан дил узган киши
Бир зоҳидки, худопарастлик иши.**

**Ҳеч нарсага муҳтож эмас мисли шам,
Ўзим куйиб, қилдим хотиримни жам.**

Озуқа уйқудан бебаҳра киши,
Тунлари уйқусиз ибодат иши.

Кундуз оч наҳормен сув ва ноним йўқ,
Кечалар уйқусиз хону моним йўқ.

Ибодатхонада қарор топиб тан,
Туну кун машғулмен ибодатга ман.

Кимни кўрсам, тилаб рози-ю ризо,
Ким ёдимга тушса, қиласмен дуо.

Бир одам юбориб чақирди вазир,
Узокдан кўрсатиб айлабон таҳқир.

Деди: «Менинг сендан гумоним бордир,
Хибсга олишга имоним бордир.

Дедимки: «Эй сайид гумонинг нима,
Йўлингдан юрай айт имонинг нима?»

Деди: «Дуойи бад қилурсан мени,
Ўлимим истарсен, биламен сени.

Менга адоватдан қилиб бад дуо,
Истарсенки мени қарғасин худо.

Аммо туташгунча кина оташинг,
Оқизиб қўяйин кўзингдан ёшинг.

Қарғишдан тилингни боғлаб қўяйин,
Оёгу қўлингни боғлаб қўяйин».

Мени бандга солди, боғлатди нопок,
Ғам аламда қолди бу жони дарднок.

Етти йил зинданда қолиб кетди тан,
Икки оёғимга урдирди кишан»...

Баҳром шоҳ зоҳидни олди қучоққа,
Е шер музоҳидни олди қучоққа.

«Вазирда не бўлса газнада башанг,
Боридан ол, деди, қанча истасанг».

БАҲРОМНИНГ ЗОЛИМ ВАЗИРНИ ҚАТЛ ЭТДИРГАНИ

Тонггача ухломай ётди дил хижил,
Мижжа қоқолмади сиқилди кўнгил.

Бу сафол кўзага экиб гул-райҳон,
Қуёш чиққанида ёришди жаҳон.

Ёмғир томган гулдек шоҳи оламтоб,
Ташналарни қилиди адлидан сероб.

«Баргоҳ қуринг!» фармон этди шаҳриёр,
Майдонга қурилсин деди яна дор.

Майдонга халқ тўлар шоҳ ҳам ўлтирас,
Атрофда тиг тутиб соқчилар турар.

Кишвар аъёнлари йигилди бари,
Адолат теваси чиқди юқори.

Йигилди майдонга минг-минглаб одам,
Ошиб кетган эди улар тоғдан ҳам.

**Халқقا жафо қилган анови вазир,
Олиб келинганди оёқда занжири.**

**Шоҳ армондан чиқди қилиб уни дор
Ўғрилардек ўлсин бўлиб шармисор.**

**Деди: «Қайси золим кўтаради бош,
Охири бошидан ажralур бевош.**

**Хиёнатдан киши бўлади бадном.
Емон фалокатдан топар саранжом.**

**Кишилар бошига золим солар шўр
Охир адолатдан ютар уни гўр.**

**Ким биронга ҳозир қиласди кишан
Ўз оёғига тушар дафъатан».**

**Сўнгида бу улуғ мажлисда чўпон,
Бўри, ит қиссанин айлади баён.**

**Чўпонни ҳам чорлаб берди амирлик,
Яхшилиги учун қилди яхшилик.**

**Мамлакат бошидан зулмни олди,
Кишидан кишига зўрлик йўқолди.**

**Кўп ўтмай мевасин берди бу тадбир,
Чўяни зар бўлди, палоси ҳарир.**

**Лашкар кўп, хазина қайнади, тошди,
Бу дарёдан ўтди, бу тоғдан ошди.**

ЧИН ҲОҚОНИНИНГ БАҲРОМДАН КЕЧИРИМ СЎРАГАНИ

Хитой ҳақонига етгач бу хабар,
Юришдан қайтди у қилмай дардисар.

Элчи юбордию сўради узр,
Деб: «Ризойингиз дам урмай бир умр.

Шоҳ дор қилган вазир бир офат эди,
Фитнага таянчу, элга ёт эди.

Чорлаган эди-да бизни хат ёзиб,
Анчадан бери ул йўлидан озиб.

Мен соддадилни ҳам йўлимдан уриб,
Ул айёр бермоқчи бўлибди фириб.

Деди: «Бу мамлакат кондир тўлиқ зар,
Хатни олиб, йўлга туш, йўл бехатар.

Мен белим боғладим ёрдамга тайёр,
Сендан тиф кўтариш, мендан доривор».

Улуғ шоҳдан хабар келди дафъатан.
Билдимки иш бутун бошқача экан.

Қулоғимда халқа ҳар ишинг қилай,
Чинда хоқон, унда ҳабашинг бўлай».

Бузгунчи вазирнинг ёзган хатларин,
Баҳром шоҳ устидан шикоятларин.

Барин йиғишириб юборган эди,
«Буларни ҳам шоҳга элтиб бер!» деди.

Подшо ўқиб вазир хатларин бир-бир,
Жаҳлдан титради лаблари дир-дир.

Котиб қаламидек тезлашиб кетди,
Уни осганига минг-минг шукр этди.



«МАХЗАНУЛ АСРОР»ДАН



БУЛБУЛ БИЛАН ҚАРЧИҒАЙ

Гулшан аро гуллар очилган замон,
Қарчиғайга деди булбул хушзабон:
Барча қушлар аро индамасисан,
Бизга айт, дунёнинг сен нимаси сан?
Барчадан маҳкамроқ ёпиқдир лабинг,
Бирор сўз демакка йўқдир талабинг.
Жойинг шоҳ билаги ё эгар қоши,
Емишинг ёввойи кабутар тўши.
Мен эсам, ҳар лаҳза гойиб тагидан,
Юз гавҳар чиқориб, сўз чўнтағидан,
Насибам қумуресқа, қурт териб емак.
Тиканлар ичрадир жойим бетўшак».
Қарчиғай дер: «Бўлсин бор-йўғинг қулоқ,
Жимлигимдан сен ҳам жим бўл эртароқ.
Мен бир оз ўргандим дүёning сирин,
Гапирмаймен ишим мингидан бирин.
Сен эсанг, дунёга ошуфта мажнун,
Бир иш қилмайсану тилда ҳазор ун.
Менинг жимлигимда маъно кўп, жигар,
Шоҳ билаги жойим, емишим каптар.
Сенинг бору йўғинг ғақиллаш тамом,
Емиш қурт-қумуресқа эрур, вассалом».
Фаридун номга мос хутба ўқимоқ,
Чин довулга нечук солишар қулоқ?

Тонг отганда хўроз чақирав, қара,
Кулгу эса, бунда факат масхара,
Назм овозасин кўтарма, зинхор,
Бунда Низомийдек қурмайин девор.

СУЛТОН САНЖАР
ВА КАМПИР ҲИКОЯТИ

Бир кампир бошига тушганди ситам,
Санжар шоҳ этагин ушлади маҳкам.

«Эй султон, инсофинг кўрмадим ҳечам,
Бутун умр сендан кўрганим алам.

Кеча кўчамизга келиб маст миршаб,
Башарамга тепди бекор, бесабаб.

Үйимдан чиқорди сочимдан судраб
Гуноҳим нимадир, нечун бу газал?!

Ситам тамғасини босиб тилимга,
Аlam шуъласини солиб дилимга.

Деди: «Фалон қуни хуфтонда, кампир,
Кўчангда ким одам ўлдирди? Гапир!»

Уйларим тинтиди, истаб хунхорлик,
Эй шоҳ, бўндан ортиқ бўлурми ҳорлик?

Миршаб гирт маст келиб қилса бедодлик,
Бундай юртда қачон бўлур ободлик?

Ичкиликбозларга қолса вилоят,
Кампирлар бошига тушар жиноят.

**Ким бу бедодликка ташламас назар,
Менинг пардам, сенинг адлинг кўтараар.**

**Эзилиб кетди-ку мажруҳ бу кўксим,
Фақат кўксим эмас, дилим минг тилим.**

**Додимга етмасанг, билиб қўй шуни,
Ҳисобин берурсан қиёмат куни.**

**Сендан келур доим зулму бедодлик,
Кўрмадим ситамдан бир дам озодлик.**

**Шоҳлардан етишар ёрдаму ёрлик,
Сендан кўрганимиз ситаму хорлик.**

**Етим молин тортиб олмоқ-ку осон,
Аммо бундай қилмас покиза инсон.**

**Қари-қартанг моли томон олма йўл,
Оқ сочидан уял, унга чўзма қўл.**

**Бандасану шоҳлик даъво этасан,
Нечук шоҳсан, ёвуз иш ўрнатасан?!**

**Шоҳ бўлсанг тартибга тушсин вилоят,
Раият ҳуқуқин қилгил риоят.**

**Шунда фармонингга бош эгар халқинг,
Ҳар дилда муҳаббат қўзғатар ҳулқинг.**

**Оlamни-ку зеру забар айладинг,
Яхши боқчи нима ҳунар айладиг?**

**Равноқ топган эди турклар давлати,
Адолатдан гуллаб чўнг мамлакати.**

Сен эсанг золимлар, девлар сарвари,
Сен турк ҳам эмассан, ҳинд ғоратгари.

Шаҳру масканимиз вайрона сендан,
Деҳқонлар хирмани бе дона сендан.

Қилмишинг ўйлаб кўр, недур оқибат,
Ўлим соати ҳам етишар албат.

Адолатинг қандил бўлса қаро тун,
Эрта сени қўллар не қилсанг бу кун.

Яхши сўзла айла кексаларни шод,
Кампир сўзларин ол бир умрга ёд.

Зулм қўлин торттил фақир бошидан,
Ўқ емагил нола ва кўз ёшидан.

Ҳар тарафга зулм тигин санчмагил,
Не кун кечиради фақир, сен ғофил.

Жаҳонни очмоққа келдинг, сен калид,
Бўлма бе адалат, зулмкор, палид.

Заифлар одати сенга ноз этиш,
Сен эса, уларни айла навозиш.

Улар тилагида бўлсин қулоғинг,
Бечорага омон берсин қучогинг».

Қани ул Хурросон ҳокими Санжар?
Бу сўзни жўн билган одамга зарар.

Эндиҳи адолат топилмас бир иш,
Симург қанотида ватан айламиш.

Дунёда инеофли ҳакам қолмади,
Муаллоқ тупроқда нам ҳам қолмади.

Эй Низомий, қалқиб энди фарёд сол,
Кўздан юрак қонин тўкибон дод сол.

ҒИШТ ҚУЮВЧИ ЧОЛ ҲИКОЯТИ

Бир чол бўлар эди Шом вилоятда,
Паридек покиза нафс ниҳоятда.

Либосин матоси ўт билан ўлан,
Ризқин топар эди ғишт қўйиш билан.

Ташлар эди кескир кетмонин чаққон,
Ғиштлари бўларди қабрга қалқон.

Шул ғиштлардан бўлса кимнинг ниқоби,
Үндан узоқ эди қабр азоби.

Бир кун ўз ишига машғул эди чол,
Бир ёш йигит келиб бошлади савол:

«Бу не зарур сенга, бу қандай хорлик,
Лой иши кўп оғир, бу не аборлик?»

Урмагил тупроққа кетманинг ҳар дам,
Битта нон топилиб қолар сенга ҳам.

Ғишт қолипинг олиб, оловга ташла,
Бошқа қолипдан ғишт кўчира бошла.

Токай заҳмат чекиб ясайсан кесак,
Токай лой ва сувда қаддинг камалак!

**Кексалар сафига киргил, эй кекса,
Бу ишни ёшларга бергил, эй кекса!»**

Кекса унга деди: «Кўп ёшлиқ қилма,
Йўлингдан қолмагил, бебошлиқ қилма.

Ғишт қўймоқлик асли кексалар иши,
Оғир юқ кўтармак қуллар юмуши.

Бу ишга қўл чўзай, майли уззу кун,
Сендекларга қўлини чўзмаслик учун.

Ўзга ҳимматига чўзмайин қўлим,
Қўл кучидан ризқим топмоқлик йўлим.

Ўз ризқим меҳнати келмас ҳеч малол,
Фақат меҳнат ила топган нон ҳалол».

Кекса сўзларини тинглаб ул бевош,
Еш кўзларида ҳам йилтиради ёш.

Чунки дунё кўрган эди доно чол,
Бу ишларни таҳлил қилди bemalol.



РАСМЛАР ИЗОҲИ

Миниатюралар М. М. Ашрафийнинг «Персидско-таджикская поэзия в миниатюрах XIV—XVII вв. (Душанбе 1974)» китобидан олинди.

Мактабда.

Мажнун Лайло чодири ёнида.

Лайло қабиласи билан Навфал жанги.

Искандар ва Нушиба.

Чавгон ўйини.

Хусравнинг Ширин қалъаси эшигига келгани.

Муқовада: Шириннинг тогда Фарҳод ила учрашгани.

Фронтисписда: Низомий Ганжавий портрети. Алишер Навоий номли адабиёт музеидан олинди.

Рассом — А. Сесекин.

И З О Х Л А Р

Аҳраман — дев, энг даҳшатли дев.

Бар — мева, ҳосил, баҳра

Баҳром — Эроннинг сосонийлар сулоласига тегишли қадим шоҳларидан бири. У Яздигарднинг бешинчи ўғли бўлган. Отаси уни Манзар бинни Нуъмон тарбиясига берган. Баҳром илму ҳунар ўрганиб ўсган. Ўспиринлик чогида отасининг ўлимидан Эрон тахтига Шаҳзода Хусрав чиққанидан хабар топган ва 30 минг қўшин билан Эронга юриш қилган сарой аъёнлари шоҳлик тожини икки шер орасига қўйиб: «Қайси Шаҳзода тожни олса ўша шоҳлик тахтини ҳам эгаллайди» деганлар. Баҳром ҳар икки шерни ўлдириб, шоҳлик тожига ва демак Эрон тахтига эга бўлган.

Фирдавсий «Шоҳнома» сидан бошлаб Баҳром образи ботир овчи, эҳтиросли ошиқ (маъшуқаси Дилором), адолатпарвар ва раиятпарвар шоҳ сифатида талқин этилади. У айниқса Қулон (форсча гўр) овига қизикканни учун унга Баҳром Гўр лақабини берганлар.

Умар Хайём рубоийларидан бирида Гўр сўзининг икки маъносидан фойдаланиб, чуқур фалсафий маънога эга бўлган чиройли сўз ўйини қилинади.

Баҳроми, ки гўр мигирифт ҳама умр,

Диди, ки чигуна гўр Баҳром гирифт.

Маъноси: Бутун умрида гўр (қулон) овлаган Баҳромнинг ўзини ҳам гўр (лаҳад) овлаганини кўрдингми?».

Берун — ташқари, берун қилмоқ ташқарига чиқармоқ, бу ерда: ҳисобга қўшмаслик.

Бурро — ўткир, кескир.

Гузар — ўтиш, ўтиш жойи, гузар этмок — ўтмак.

Гулфом — гулранг.

Давот — сиёҳдон.

дигар — ўзга, бошқа, роҳи дигар — ўзга йўл.

Жунбиш — ҳаракат, қўзгалиш, қимиirlаш.

Занаҳ — бағбақа, занаҳ ҷоҳи — бағбақа чуқурчаси бунда Юсуфнинг (қара) зинданда ётганига ишора.

Зуннор — Мусулмон мамлакатларида яшовчи христианлар белига мажбуран боғлатилган чилвир арқон, поэзияда христианлик белгиси.

Исо нафаси — қаранг: Масиҳо.

Ишвагар — ноз — карашма қилувчи.

Камар — бел, белбоғ.

Канор — қирғоқ, бағр, қучоқ. Бу ерда шу икки маънога ишора ила сўз ўйини бор.

Канъон — қадимий Фаластин шаҳарларидан бири. Юсуф шу ердан чиққан.

Кофур — оқ рангли хушбўй модда, камфора, адабиётда соф оқ рангга ишора, бунда оқ соchlарга ишора.

Магас — пашша, чибин.

Масиҳо — Исо пайғамбарнинг лақаби. Афсонага кўра Исо нафаси гўё ўлика жон киритар эмиш.

Маҳзун — қайгули, ғамли.

Мужда — яхши хабар, севинчли хабар.

Мужоҳид — ҳаракат этиб, тиришиб курашувчи, нафсини тийиб, поклик учун курашувчи.

Мусаллам — маъқулланган, таслим бўлган.

Муқаллид — тақлидчи бошқаларга (бу ерда ошиқларга) тақлид қилувчи.

Муҳтасиб — Ислом дини (Шариат) қоидаларининг бажарилишини назорат қилиб турувчи.

Ноком — мақсадига етолмаган.

Нофа — ноф — киндик, мушқдон, мушк. Бу хушбўй модда Чин ва Хўтсан оҳулари киндигига этишар эмиш.

Парвин — Ҳулкар юлдузи

Пираҳан — кўйлак

Порсо — покиза, ёмон ишлардан ўзини тијовчи

Салиб — Христиан динидагилар бўйнига осиб юрадиган шакл (крест), адабиётда христианлик белгиси.

Самар — мева, ҳосил

Сорбон — туюкаш, тую етакловчи

Соро — сараланган, тоза, соф

Сўзчан — сўзамол

Тавқ — Бўйинбоғ, маржон, айборлар бўйнига солина-диган халқа.

Тажарруд — ҳамма нарсадан четланиш.

Кунж — холис бурчак.

Тар — янги.

Тараб — шодлик, хурсандчилик

Узлат — кишилардан четлашмоқ.
Фитрак — Қанжарга — юк боғлаш учун бир учи әгарга
богланган тасма
Харобот — майхона
Шажар — дарахт
Шаҳна — қўриқчи, соқчи, пособон.
Юсуф — Афсонага кўра Яъқуб пайғамбарнинг ўғли:
У гўзалликда бемисол бўлган. Шарқда кенг тарқалган
«Юсуф ва Зулайҳо» достонлари қаҳрамони. Унинг
гўзаллиги ва истиқболини ғаш кўрган акалари овга
олиб борадилар ва уни бир қудуқقا ташлаб келадилар.
Унинг кўйлагини қонга бўяб, оталарига олиб келади-
лар-да, «Юсуфни бўри еб кетди» дейдилар. Яъқуб
ишонмайди, Юсуфни кута-кута кўзи кўр бўлиб қолади.
Юсуфни эса, савдогарлар қудуқдан тортиб оладилар
ва Миср бозорида қул қилиб сотадилар. У Миср Шоҳи-
га гулом бўлади. Шоҳ хотини Зулайҳо унинг ҳуснига
ошиқи шайдо бўлиб қолади. Уни уйга чорлаб ишқу
муҳаббат изҳор этади. Юсуф бундай хиёнатга қўнмай-
ди. Шунда Зулайҳо дод солади ва Юсуфни айблайди.
Уни Зулайҳо номусига тажовуз этишда айблаб зин-
донга соладилар. Кейинчалик Юсуф кўйлагини тек-
шириб кўрганларида у орқасидан чаңг солиб йиртил-
ган эди. Шу далил билан Юсуфнинг бегуноҳлиги аниқ-
ланади. У озод этилади. Акалари келиб уни топади-
лар. Бир кўйлагини олиб кетиб оталарига хабар етка-
задилар.

Яъқуб севикли ўғли кўйлагини кўзига суртади.
Кўзи очилади.

Адабиётда Юсуфнинг мана шу уч кўйлаги кўп тилга
олинади. Низомий асарларида ва айниқса ғазалларида
ҳам мана шу кўйлакларга, унинг зинданда ё қудуқда
ётганлигига, унинг ҳуснига ва шу ҳусни туфайли торт-
ган азобларига ишоралар кўп.

М У Н Д А Р И Ж А

Улуг гуманист. Ш. Шомухамедов	3
Қасидалардан	5
Ғазаллар	10
Қитъалар	23
Рубоийлар	26
Ҳикматлар	34
«Ҳафт пайкар»дан	41
«Маҳзанул-асрор»дан	114
И з о ҳ л а р Ш. Шомухамедов	120

На узбекском языке
НИЗАМИ
изbrane
Издательство ЦК Компартии Узбекистана
Ташкент — 1983 г.

**Нашриёт редактори Т. Абдуллаев
Техн. редактор Г. Ломиворотова
Корректор А. Экиров**

Теришга берилди 09.12.81. Босишига рухсат этилди 10.01.83.
Формати $70 \times 90 \frac{1}{2}$. Қоғоз № 1. Гарнитура школьная. Офсет
босма. Шартли босма листи 4,68 + 7 вкл. Нашриёт ҳисоб
листи 4,3. Тиражи 100000.
Заказ № 2352. Баҳоси: силлиқ ялтироқ қоғозда босилтани
75 тийин. 1-қоғозда босилгани 65 тийин.

**Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг
Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси
Тошкент, «Правда Востока» кӯчаси, 26-уй.**